Бетонга кимёвий ва бошқа қўшимчалар қўшиш орқали уларнинг хоссаларини яхшилаш қадимдан маълум. Рим империяси давридаёқ оҳак асосида тайёрланган бетонларга пластификаторлар сифатида қон ва тухум оқсили қўшилган. 1850 йилдан, яъни портландцемент асосида бетон тайёрлаш бошланган вақтдан унинг таркибига махсус қўшилмалар қўша бошлаганлар, масалан қотиш жараёнини бошқариш учун гипс, бардошлигини ошириш учун майда туйилган порошоклар қўшилган.

Асримизни бошларидан бошлаб бетон қотиш жараёнини тезлатиш учун хлорли кальций, секинлаштириш учун шакар шиннаси қўша бошладилар. 1919-1920 йиллардан бошлаб ушбу қўшилмалар махсулот сифатида сотила бошланди. Пластификаторлар 1935 йилдан бошлаб кенг қўллана бошланди. Хово сўрувчи қўшилмалар эса 1950 йиллардан бошлаб ишлатила бошланди. Сўнг музлатишга қарши қўшимчалар ихтиро этилди.

Кимё соҳасини тез сураётда ривожланиши кимёвий қўшилмаларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга асос яратди.

Бугунги кунда 400 дан ортиқ кимёвий қўшимчалар маълум. Шулардан саноат жуда кам қисмини 20 га яқини ишлаб чиқаради. +олганлари саноат чиқиндиларидир.


Бетон учун кетадиган материаллар тавсифи 1-жадвалда берилган.

Бетон технологиясида ишлатилаётган асосий кимёвий қўшимчалар, уларнинг қисқача белгиланиши, цемент массасига нисбатан қўшиш миқдори ва асосий вазифаси 2-5 жадвалларда берилган.

Кимёвий қўшимчаларнинг ишлатиш жойлари 7-жадвалда кўрсатилган.

Бетон учун материаллар

1-жадвал



Бетонга қўшиладиган асосий +ўшимчалар

2-жадвал

Т.р	+ўшимчанинг номи	+исқача белгиланиши	Цемент массасига нисбатан қўшиш миқдори, %	Асосий вазифаси
И Пластификатловчи +ўшимчалар				Бетоннинг мустаҳкамлиги ва сувни ўтказмаслиги ни оширади.
1	Сулфит дрожжа бардаси	СДБ	0,09-0,15	
2	Полимер фенол	ПФп	0,1-0,3	
3	Модификацияланган фенол смоласи	ФЕСМАЛ	0,16-0,3	
4	Ацетон-формальдегид смоласи	АЦФ	0,1-0,2	
5	Сувда эрийдиган перепарат	ВРП-1	0,01-0,25	
6	Супер плацификатор	СП(С-3)	0,1-1,2	
ИИ Пластификатловчи хаво тортувчи +ўшимчалар				Бетоннинг музлашга чи дамлилигини сув ўтказмас лигини оши ради.
1	Совун-нафт	М1	0,1-0,2	
2	Совун қўшилган эритувчан смола	ВЛХК	0,1-0,2	
3	Адипимли пластификатор	ПАШ-1	0,1-0,2	
4	Нитрат этилсиликонат	ГКЖ-10-11	0,1-0,2	
5	Нитралланган тозаланган кора контакт	КЧНП	0,1-0,2	
6	Совун экстракти	САФА	0,1-0,2	

Хаво сўрувчи қўшимчалар

3-жадвал

T/p	+ўшимчанинг номи	+исқача белгиланиши	Цемент массасига нисбатан кўшиш миқдори, %	Асосий вазифаси
1	Нейтралланган смола	СНВ	1	Бетоннинг музлаш га чидамлилиги, сув ўтказмаслиги, тузга чидамлилиги ни оширади.
2	Синтетик сирт-актив модда	СНД	0,05-0,035	
3	Совун кўшилган ёғоч пеки	ЦНИПС-1	0,05-0,035	
4	Совун кўшилган ёғоч смола	СДО	0,05-0,035	
5	Сульфанол	С	0,01-0,02	
ИВ Кўпик ва газ хосил килувчи қўшимчалар				/овакли бетонлар олиш учун ишлати лади. (кўпик бетон ва газ бетон)
1	Конифоль совун	КМ		
2	Гидролизланган қон	ГКЖ-94		
3	Алюминий упаси	ПАК		
4	Перекись водороднинг сувда ги эритмаси	H2O2		

4-жадвал

T.р	+ўшимчанинг номи	+исқача белгиланиши	Цемент массасига нисбатан қўшиш миқдори, %	Асосий вазифаси
В Зичловчи +ўшимчалар				Бетоннинг зичлиги, совуқка чидамлилиги, ва сув ўтказмаслигини оширади.
1	Кальций нитрат	НК	0,1-0,2	
2	Алюминий сульфат	СА	0,1-0,2	
3	Темир хлорид	ХЖ	0,05-0,1	
4	Темир нитрат	НЖ	0,05-0,1	
5	Темир сульфат	СЖ	0,05-0,1	
6	Диэтилин гликоль смола	ДЭГ-1	0,1-0,2	
ВИ Бетонни қотишини тезлатувчи +ўшимчалар				Бетоннинг қотишини тезлатади, мустахкам лигини оширади.
1	Натрий сульфат	СН	0,5-1	
2	Натрий нитрат	НН1	0,5-1	
3	Тринатрифосфат	ТНФ	0,5-1	
4	Кальций хлорит	ХК	0,5-1	
5	Кальций нитрат	НК	0,5-1	
6	Полиамин смоласи	С-89	0,5-1	
7	Кальций нитрат, нитрат-хлорит	ННХК	1-2	
8	Натрий нитрат, натрий-сульфат	ННСН	1-2	

5-жадвал

Т.р	+ўшимчанинг номи	+исқача белгиланиши	Цемент массасига нисбатан қўшиш миқдори, %	Асосий вазифаси
ВИИ Бетонни қотишини секинлаштирувчи +ўшимчалар				Бетон қотишини секинлаштиради, со вукқа чидамлилигини оширади, катламлани шини олдини олади.
1	+анд шинаси (меласса)	СП	0,05-0,2	
2	Сульфат ачитқи бардаси	СДБ	0,15-0,25	
3	Натрий этилсиликонати	ГКЖ-10	0,1-0,2	
4	Полигидросиликонати	ГКЖ-94	0,05-0,1	
5	Этил гидросесквиоксан	ПГЭН	0,1-0,15	
ВИИИ Гидрофобизатор қўшимчалар				Бетон зичлигини оширади, сув утказмаслик қобили ятини яхшилайти.
1	Кизельгур	КГ	0,5-5	
2	Полимер эмульсиялари	ПЭ	0,5-5	
3	Лигносульфатлар	ЛС	0,5-5	
4	Стеарат ва олеатлар	-	0,5-5	

6-жадвал

Бетонга қўшиладиган комплекс қўшимчалар

т.р	Комплекс +ўшимчалар	Шартли белгиси	+ўшимча миқдори
1.	Пластификатловчи ва хаво сўрувчи қўшимчалар	СДБ+СНВ, СДБ+СПД.	Тажриба орқали ҳар бир бетон қоршмаси учун аниқланади.
2.	Пластификатловчи ва қоти шини тезлатувчи	ВПР+С, СДБ+СН, СДБ+НН ₁ , СДБ+ХК, СДБ+НК, ФЕРМАЛ+СН.	
3.	Пластификатловчи - хаво тортувчи ва қотишини тезлатувчи	СНВ+СН, СНВ+НК, СПД+СН, СНД+НК.	
4.	Пластификатловчи, хаво тортувчи ва қотишини тезлатувчи	СДБ+НЧК+СН, СДБ+КЧНР+СН, СДБ+СНВ+СН, СДБ+СНВ+НК.	

Кимёвий қўшимчаларнинг ишлатиш жойлари

7-жадвал.

т.р	+ўшимчалар	Иш ва иншоотлар тури
1	пластификатловчи	Бетоннинг пневматик транспортировкasi, узоққа ташиш, сув ости бетон, тайёр блоklar, йўл бетони, кўпарматурали бетон, инъекция учун бетонлар қуруқ иссиқ иқлимда.
2	Хаво сўрувчи	Совуққа чидамлиги, тузга бардошли, совуқ иқлимда, узоққа ташиш марказий бетон заводлар, бетонларни пневматик усулда ётқизишда.
3	Кўпик ва газ хосил қилувчи	/овакли бетон таёрлашда(кўпик ва газобетонлар).
4	Зичловчи	Гидротехник иншоотларда, юқори мустаҳкам бетонлар, чоклар таъмирида.

5	+отишни тезлатувчи	Совуқ ва иссиқ иқлимда Йиғма буюмлар, тезкор таъмир ишлари, йўл ва аэродром ёпмалари, чоклар тўлдириш, сув ости бетон ишлари.
6	+отишини секинлантирувчи	Узоқ масофага ташишда, узлуксиз бетонлашда, декоратив бетонлар.
7	Гидрофобизатор	Сувоқ қоришмалари, қистирма, бассейн, галерея, тоннеллар, ер ости иншоотлар, чоклар учун қоришмалар термалар.

Пластификатловчи қўшимчалар

Пластификаловчи қўшимчалар бу цемент зарраларининг сиртида ишлатилиш хоссасига эга бўлган сирти фаол моддалардир (ПАВ). Улар ёпишқоқликни йўқотади ва зарралар ўртасидаги ишқаланишни камайтиради, натижада қоришма янада ёйилувчан бўлади.

Ушбу қўшимчалар бетон қоришмасининг ёйилувчанлигини, уларнинг совуққа чидамлилигини, сув ўтказмаслигини оширади, шунингдек бетоннинг белгиланган мустахкамлигини пасайтирмай цемент сарфини камайтиришга имкон беради.

+ўшимчалар бетон қоришмасига нисбатан хисоблаб ва лаборатория текширувига мувофиқ киргизилади. Сульфат ачитқили барда (СДБ), лигносульфан кислоталари калцийли, натрили ва аммонили тузларнинг редуцияловчи моддалар билан бўлган аралашмасидан иборат.

СДБ тўқ жигарранг қуюқ суюқликдир. СДБ бетон қоришмасига қориш учун солинган сув билан биргаликда қўшилади. Унинг оптимал миқдори цемент массасининг 0,09-0,15% ини ташкил қилади. Бунда бетон қоришмасини ёйилувчанлиги ортади ва конуснинг чўкиши 8 см га етади, жалб килинган хавонинг миқдори 3% га кўпаяди, бу эса бетоннинг совуққа чидамлилигини кучайтиради. СДБ сув хўжалиги қурилишида кенг қўлланилади. Чунончи Ўзбекистон қишлоқ ва сув

хўжалиги вазирлиги томонидан қўрилган Андижон сув омборининг 1024 метр узунликдаги ва 115м баландликдаги тўғонига ҳар ойда 4 минг кубометрдан гидротехник бетон ётқизилган. СДБ бетон қоришмасини транспортда ташишда ва ётқизишда, цементнинг қотишини секинлаштириш, бетон қоришмасини ёйилувчанлигини ошириш учун қўлланилган эди. Бу бетоннинг юқори сифатли бўлишини ва объектни эксплуатация қилиш давридаги юқори мустаҳкамлигини таъминлайди.

Сувда эрувчан препарат (ВРП1) Ўзбекистон академиясининг кимё институтида синтез қилинган сувда эрувчан полимердир. У оғир бетонлар учун пластификацияловчи сифатида қўлланилади.

Бу ҳолда:

- бетоннинг қотишини секинлаштирмасдан ёйилувчанлигини ошириш;

- бетон қоришмасини сувга талабчанлигини қисқартириш ва цемент сарфини 10% гача камайтириш;

- талаб қилинган маркали темир-бетон буюмларни олиш ва бетоннинг товар кўринишини яхшилаш имконини беради.

ВРП-1 бетоннинг совуққа чидамлилигини (музлаш ва эришнинг 200 циклига бардош беради) ва сув ўтказмаслик хусусиятини (В-6 маркагача) оширади.

ВРП-1 цемент массасига нисбатан 0,01-0,25% миқдорида бетон қорғичга солинадиган сув билан биргаликда қўшилади.

ВРП-1 ни Фарғона фурунли бирикмалари кимё заводи ишлаб чиқаради.

Суперпластификатор с-3 НИИЖБ (Москва бетон ва темир бетон илмий-текшириш институти) томонидан ишлаб чиқилган. У нафталин формалдегидли сульфат кислоталарнинг бирикмаларидан биридир. С-3 ни цемент массасининг 0,2-1% миқдорида бетон қоришмасига қўшиб:

- ўз-ўзидан зичловчи, амалда вибрация ёрдамида ишлов беришни талаб қилмайдиган қуйма бетон қоришмаларини;

- қоришмани ёйилувчанлиги бир хил бўлганда –юқори мустахкамликка эга бўлган бетонлар олиш мумкин.

Бетон қоришмаси конусининг чўкишини 3-4 см дан 25 см гача ошириш, қориш учун қўшиладиган сув миқдорини эса 30% гача камайтириш мумкин.

Хаво сўрувчи қўшимчалар.

Хаво сўрувчи қўшимчалар (СНВ, СНД, ЦНИПС-1, ОАС, С)нинг асосий вазифаси-бетоннинг совуққа ва узокқа чидамлилигини, сув ўтказмаслигини, тузга чидамлилигини оширади.

Хаво сўрувчи қўшимчалар бетон қоришмасига диаметри 25-250 мкм бўлган хаво пуфакчаларини 6-8% миқдорида тортилишига ёрдам беради. Улар қотган бетоннинг совуққа чидамлилигини оширади, бетоннинг арматура билан туташини пасайтирмайди, бетоннинг чўзилишига чидамлилигини оширади бетонга ёрилишга қарши чидамлилигини, газ ва сув ўтказмаслик хоссаларини беради.

Бу қўшимчалар айниқса сув хўжалиги қурилишида кенг қўланилади. Бунда чидамлилигини 190 МРЗ гача, сув ўтказмаслик қобилиятини В-8 гача ошириш имконини беради.

+отишни секинлаштирувчи қўшимчалар.

+отишни секинлаштирувчи қўшимчалар (СП, СДБ, ГКЖ-10, СП+СДВ) нинг асосий вазифаси бетон қоришмасининг қотиш муддатларини секинлаштириш ва ёйилувчанлигини сақлаш.

Айниқса сув хўжалиги қурилишида иссиқ- қуриқ иқлим шароитида тўғонлар, суғориш каналлари йўллар ва бошқа объектларни қуришда бетон ишлари технологияси анча мураккаблашади.

1) +30,+40 °с хароратда цементнинг қотиш муддатлари кескин қисқаради, бу эса бетон қоришмаси ёйилувчанлигининг камайитиришга олиб келади;

2) Икки соат давом этадиган ташиш вақтида бетон қоришмаси қатламланади, натижада қурилмада тузилиш ўзгаришларига ва ишлар сифатининг пасайишига олиб келади.

Шунинг учун қотишни секинлаштирувчи қўшимчалар бу шароитда қўланиши катта аҳамиятга эгадир.

Бу қўшимчалар қўланилганда;

- бетон қоришмасини узоқ масофага ташиш имконини беради;
- бетонлаш қатламларини ётқизиш мудатини узайтиради;
- йирик иншоотларда максимал хароратни пасайтиради;
- бетонларда пластик деформацияланиши даврини узайтиради;
- жазирама иссиқ шароитнинг тез қотиш қобилиятини пасайтиради;
- қайтадан вибрация қилиш имкониятини пасайтиради.

Цемент сарфининг камайиши, узоққа ташишдаги тежамкорлик, қатламни ёпиш мудатининг узайтириш натижасида бетонлаш блоки майдонининг кенгайиши солиштириб бўлмас даражада куп самара беради.

СП биринчи икки сутка давомида иссиқлик ажралиб чиқиш сураътини шунингдек, умуман иссиқлик ажралиб чиқаришни кескин пасайтиради. Бу хусусият сув хўжалиги қурилишида жуда катта аҳамиятга эга.

ВПС қўшимчанинг бетоннинг ёйилувчанлиги ва мустаҳкамлигига таъсири 8-жадвалда берилган.

8-жадвал

+ўшимча миқдори	Конус чўқиши,см	Мустаҳкамлиги, МПа	
		буғлангандан сўнг	28 суткадан сўнг
+ўшимчасиз	3	23	28,6
0,6	7,5	28	31,9
1,8	20	25,5	29

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки қурилишда қўланилаётган кимёвий қўшимчамчалар нафақат бетонларнинг физик-механик хоссаларини яхшилайдди, шунингдек улар қимматли цементларни тежайди ва олиб бориладиган қурилиш ишларида санитар – гигиеник ҳолатини яхшилайдди.

2.3.Кимёвий қўшилмаларнинг бетоннинг асосий хоссаларига таъсири

2.3.1.Бетон қоришмасининг ёйилувчанлиги.

Бетон қоришмасининг хоссалари ундан ҳосил қилинган бетоннинг сифати ва хоссаларини етарли даражада олдиндан белгила беради. +олипти зич тўлдириш учун янги тайёрланган бетон қоришмаси керакли равишда қулай ётқизувчанликка эга бўлиши керак.

Бетон қоришмасининг ёйилувчанлиги деб уни ўз оғирлиги таъсири остида ёйилиб кетиши хусусиятига айтилади. Ёйилувчанлик даражаси стандарт кесик конуснинг (баландлиги 300 см, устки асосининг диаметри 100 см ва пастки қисмининг диаметри 200 см) чўкиш катталиги (КЧ,см ҳисобида) билан баҳоланади.

Кимёвий қўшилмаларни бетон қоришмаси ёйилувчанлигига таъсирини ўрганиш учун 2 партия қоришма тайёрланди: биринчиси оддий қўшимчасиз, иккинчиси ВРП қўшилмали.

Бетон қоришмаси таркиби-2-бобнинг 2.1 га асосан олинди.

Стандарт методика асосида бетон қоришмалари ёйилувчанлиги аниқланди.

+қўшилмасиз бетон қоришмаси чўкиши конуси КЧ=5 см, ВРП қўшилмали бетон қоришма чўкиш конуси КЧ=8 см ташкил этди (1-расм).


Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики бетон қоришмаси таркибига пластиклигини ошириш учун ВРП қўшилганда, унинг

ейилувчанлиги кескин ошди. Демак сув-цемент нисбатини камайтириб бетон қоришмасини талаб этилган ейилувчанликда тайёрлаш мумкин.

Бетон сув ўтказувчанлиги

Сув ўтказувчанлиги-материалнинг босим остида сув ўтказиш хоссасидир. Сув ўтказувчанлик даражаси ўзгармас босимда материалнинг 1см^2 юзасидан 1 соат ичида ўтган сув миқдори билан тавсифланади.

Бетон сув ўтказувчанлигига кимёвий қўшимчалар таъсирини ўрганниш учун 2 партия бетон цилиндр намуналар (баландлиги ва диаметри 150мм) тайёрланади. Биринчиси оддий таркибда, иккинчиси ВРП кимёвий қўшилма қўшилган (0,1% цемент массасига нисбатан).



1-расм. Бетон қоришмасы ёйилувчанлиги даражаси

1-қўшилмасиз

2-ВРП қўшилмалы(0,1% цемент массасига нисбатан)

Бетон намуналари 28-сутка нормал шароитда ($t_{\text{к}} 20 \pm 2^{\circ}\text{C}$, $W > 95\%$) ушлаб турилди.

Намуналарнинг сув ўтказувчанлиги стандарт методика асосида ўтказилди.

Сув босими 1 соатда 0,1МПа га ошириб борилди. Сув ўтказувчанлик 6 та намунадан 4 тасида сув томчилари пайдо бўлган энг катта босим миқдори орқали аниқланди. Тадқиқот натижалари 2-расмда келтирилган.

Расмдан кўриниб турибдики бетон таркибига ВРП қўшилганда сув ўтказувчанлиги қўшилмасиз бетон намуналарига нисбатан 40%га камайган.

Олинган натижалар бошқа муалифлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасига тўғри келади, хусусан А.Г.Домокеев бетон таркибига милонафт қўшганда, унинг сув ўтказувчанлиги пасайишини кузатган.


Бетоннинг сув ўтказувчанлиги пасайишини қоришмаларни ейилувчанлиги яхшиланиши ва чўкиш деформацияларини камайиши билан аослаш мумкин.

Бетон мустахкамлиги

Мустахкамлик-бетонинг асосий кўрсаткичидир. Кимёвий қўшилмаларнинг (ВРП) бетон мустахкамлигига таъсирини ўрганиш учун 2 партия намуналар (150x150x150мм ўлчамдаги кублар) тайёрланди. Биринчиси оддий таркибда, иккинчиси ВРП кимёвий қўшилма қўшилган (0,1% цемент массасига нисбатан).


Бетон намуналари 28-сутка нормал шароитда сақланди ($t_{\text{к}} 20 \pm 2^{\circ}\text{C}$, $W > 95\%$).

28-суткадан сўнг намуналарни қолипдан ажратилди ва гидравлик пресс ёрдамида сиқилишга бўлган мустахкамлиги аниқланди.



2-расм. Бетон намунасининг сув ўтказувчанлиги 1-қўшилмасиз

2-ВРП қўшилмали(0,1% цемент массасига нисбатан)



3-расм. Бетон намуналар мустаҳкамлигига кимёвий қўшилмалар таъсири.

1—кўшилмасиз

2-ВРП қўшилган (0,1% цемент массасига нисбатан)

Тадқиқот натижалари-3 расмда келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики бетон таркибига ВРП қўшилганда бетон намуналарининг сиқилишга бўлган мустахкамлиги, қўшилмасиз намуналарга нисбатан 10-15% юқори.

Хулоса

Бетон таркибига ВРП (Сувда эрувчан препарат) қўшилганда (0,1% цемент массасига нисбатан) қўшилмасиз бетонга нисбатан:

1.Бетон қоришмаси ейилувчанлиги 60% га ошди. Талаб этилган ейилувчанликка эга бетон қоришмасини олиш учун сув- цемент нисбатини камайтириш (ва натижада цемент миқдорини камайтириш) мумкин. —

2.Бетонни сув ўтказувчанлиги 40%га камайди.

3.Бетонни сиқилишга бўлган мустахкамлиги 10-15%га ошди.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки қурилишда қўланилаётган кимёвий қўшимчамчалар нафақат бетонларнинг физик-механик хоссаларини яхшилайдди, шунингдек улар қимматли цементларни тежайди ва олиб бориладиган қурилиш ишларида санитар — гигиеник ҳолатини яхшилайдди.

Кимёвий қўшилмалар қўшилганда бетон қоришмасини тайёрлаш, ташиш, ётқизиш ва зичлаш учун кетадиган меҳнат сарфи камаяди.

3-боб.

3. СУВ ЎТКАЗМАЙДИГАН БЕТОНЛАРНИНГ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

3.1 Комплекс қўшимчалар ёрдамида тайёрланган цемент бўтқасининг хусусиятлари ва технологик услублари, унинг физик-механик хусусиятлари.

Гидротехник иншоотлар асосан энг оғир табиий ва меҳнат шароитларида олиб борилади. Улар асосан тўхтовсиз тарзда намланиш ва қуриб бориш, мўзлаш ва эриш, ҳар доим сув сатҳидан юқорилиги, ташқи девор сатҳининг нам ҳолатда бўлишлиги, босим билан ишловчи иншоотларда юқори сув босимининг таъсири ва ҳаказо жараёнларга учрайди. Шу сабабли гидротехник битонларга ўзаро зид қарама-қарши талаблар, юқори сифат ва кичик таннархқўйилиб, унинг сифати иншоот конструкцияларининг ўзоққа чидамлилиги, фойдаланишдаги харажатларни белгилайди. Ката ҳажмдаги бетон ишлари иншоотнинг қийматини ёки қиймат қилади, ёки арзонлаштиради. Бу ўз навбатида фойдаланилган материалларнинг қийматидан ва миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Ҳозирги давргача фойдаланиб келинаётган бетон қориштиргичларда бир вақтда бирданига: қум, шағал, цемент, химиявий қўшимчали сув билан аралаштириб, оз цемент сарфи билан қориштиргичларда тайёрланган бетон қоришмаси иншоотнинг барча конструкцияларида бир текисда мустаҳкамликка эга бўлишига имконият яратмайди. Чунки ушбу бетон тайёрлаш технологияси бўйича, боғловчи-бетондаги тўлдирувчиларнинг бутун юзасини тўла текис ҳолда, қамраб эгаллай олмайди. Натижада кўзланган мустаҳкамликка эга бўлган бетоннинг маркасини тайёрлаб олиш имкони бўлмайди. Ёки боғловчининг жумладан, цементнинг сарф миқдорини кўпайтиришга тўғри келади. Шу сабабли, илмий ишни бажариш давомида қўйилган топшириқлардан келиб чиқилган ҳолда тажрибаларни ўтказиш қуйидаги

ишлаб чиқилган услубларда амалда бажарилди. Биринчи босқичда Республикамиз миқёсида ишлатиладиган ва ишлаб чиқарилаётган маҳаллий цемент заводларининг маҳсулотлари бўйича боғловчилар ҳақида таҳлилий маълумотлар тўпланди, натижада илмий изланиш ишларини бажариш учун қуйидаги: Охангарон ва Қувасой цемент заводларида ишлаб чиқарилаётган маркалари М400 бўлган ва мос равишда таркибида 5,9 ва 7,0% С 3А бўлган ва қум Оқтошдаги норуда материаллари ишлаб чиқариш заводидаги ва Мингбулоқ туманидаги кварц қуми барханларидан олиб келтирилган ва таркибида CaCO_3 , Ia_2O_4 , K_2O қўшимчалари бўлган қумлардан фойдаланилди. Химиявий полимер қўшимчаларни танлашда, қўйилган масалани ечишга имкон яратувчи турли хилдаги 10дан ортиқ турдаги ишлатилиб келинаётган смолалар туридан ишлатилди. Яъни олдинги ишларни бажаришда фойдаланган қўшимчалардан ҳам фойдаланилди. Кўп ҳолларда, каучикларнинг турли хилдаги сувли эритмаларидан, акрбамид смоласининг сувли эритмасини алоҳида ва ионли ҳолдаги катализаторлар ва активлаштирувчи моддалар билан, сувда эрувчи полиамид смолаларининг сувли эритмасидан алоҳида ва бошқа қўшимчалар билан биргаликда, фурил спиртининг турли миқдорда ва активлаштирувчи моддалар билан биргаликда қоришмаларга қўшиб тайёрланди. Изланиш ишларининг натижалари асосида, янги комплекс қўшимчалар, яъни сунъий латекс маркаси СКС-65 ГП(Б) ва СДО(ёғоч елими) бўлиб, улар ўз навбатида маълум ва кенг миқёсда фойдаланиб келинаётган ва фаоллаштирувчи (активированная) тўлғазувчилардир. Ўтказилган тажрибалар асосига композицион материаллар ярим структурали элемент назарияси асос қилиниб қўйилди, бу ўз навбатида, изланишларни турли хил талабларда бажарилишида композит материалларининг бетон тўзилишига ва унинг асосида механик хоссаларини ўрганиш ва умуман уларнинг бетон қоришмасини хоссаларига, тўзилишига таъсирини ўрганиш каби масалаларни

ечилишига асосий этибор қаратилди. Цемент қоришмаси учун комплекс қўшимчаларнинг энг яхши самарали боғланишдаги компонентларини танлашда, ва уларнинг цементли боғловчиларнинг шакилланишини ва ҳаво бўшлиғини ташкил етувчилар билан биргаликдаги таъсирини, цемент қотишмасида ваҳаво бўшлиқли керамзит бетонида ўрганиш учун изланишнинг физик-механик усулларидадан фойдаланилди.

Бетон қоришмасини тайёрлаш:

Изланиш ишлари олиб борилаётганда цемент композициясининг (аралашмасининг) технологик, физик-техник ва фойдаланишдаги хусусиятларини макро ва микро тўзилишини ўрганиш, ҳозирда фойдаланиб келинаётган стандарт услубларда ўрганилди. Сув /цемент нисбатини/ /сув/ боғловчи нисбатини ўзгариши, сувсақлаш (ёки сув кўрсаткичи), қоришмани қуюқлиги ва намунанинг қотгандаги мустаҳкамлиги бўйича танланган ва ҳаво бўшлиқларини ҳосил етувчи энг мақбул комплекс химиявий қўшимча мастика ва кўпчитилган бетон тайёрлаш учун ишлаб чиқилган технологияни самарали эканлиги аниқланди. Цемент қоришмасидаги кўпчитилган ҳаво бўшлиқли тўлғазувчининг физик-механик хусусиятлари асосан ўлчамлари 40x40x260мм наъмуналарда ГОСТ 310.4.81 бўйича тайёрланди. Цемент қоришмаси асосан тез айланиб қориштиргич СБ-133 машинаси ёрдамида тайёрланди. Намунанинг қотиши учун иссиқлик ишлови ёрдамида 2+2+8+2 режим биланишлов берилди. Таққослаш учун бир неча меъёрий қотиш камерасида ўз мустаҳкамлигини олган (камеранинг ҳарорат кўрсаткичлари ўртача $W_{к85}....95\%$ ва $t_{к20^0C} \pm 2^0C$ ни ташкил этади) цемент намуналар қўйилди. Барча цемент қоришмасидан тайёрланган намуналар 1, 7, 28, 60 ва 90 суткадан сўнг мустаҳкамлиги бўйича синовдан ўтказилди.

3.1 жадвалдан кўриниб турибдики, цементнинг боғловчилари тўлдирилган (тўйинган) ҳолатда унинг технологик хусусиятларини

Ўзгариш қонуниятлари, компонентларни аралаштириш тезлигидан ва сув/цемент нисбатига бир мунча боғлиқ бўлади. Ўтказилган тажриба натижалари орқали аниқланганда, боғловчининг таркибида сув миқдорининг кўрсаткичига вааралаштириш тезлигини ортиши, ҳаво бўшлиғи ҳосил этувчи системанинг оқувчанлигини пайдо этади. Цемент қоришмасини ҳаво бўшлиғини ҳосил этувчи минерал қўшимчалар билан тўлдирилганда унинг аралаштириш тезлигини ортиб бориш, аралаштири вақти даврийлигини сақлаб қолиш ва қурилма машинанинг иш унумдорлигини оширилиши, қоришманинг бир хилда ва ўзаро боғланганлигини, ёпишқоқлигини яхшилайдди. Цемент қоришмасида сувнинг ажралиб чиқишини камайтиради, сувни ўзида тўла ҳолда бирикишини яхшилаб. унинг юқори ҳаракатчанлигини (оқувчанлигини) цемент тошининг тўзилиши-шакилланиши тавсифларини ва кўрсаткичларини ўзгартира бориб, барча хоссаларини яхшилайдди. Цемент тошининг бошланғич ҳолатидаги эгаллаб олиш жараёнини секинлатади ва унинг охириги қотиш ва қотган давридаги тўзилиш-шакилланиш жараёнларини тезлатади. Буларнинг барчасига минерал ва ҳаво бўшлиқларини ҳосил етувчи қўшимчаларни катта тезликларда парчалаш, аралаштириш билан ҳосил этиб, бетоннинг физик-техник хусусиятларини, технологик бошқариштомонларини унинг вақт даврийлиги давомидаги фойдаланиш чоғида ва тўзилиш-шакилланишга киришиш даврида умумий тавсифларни ўзгартириб боради.

Сув ўтказмайдиган бетонларни тайёрлашдаги асосий масала цемент тошларини микро тўзилишидаги асосий ташкил этувчиларни тенг бир текисда тақсимланиши бўлса, макро тўзилишини эгаллашида асосий бетон тўлдирувчиларини цемент қоришмаси билан бутун бир шаклланиш бўйича бир текисда бир хил тарқалишини таъминлаши ҳисобланади. Цемент қоришмаси бўтқасида унинг ташкил этувчиларини тенг бир текисда тақсимланиши бўйича, цемент тошининг физик-химик

жараёнларида материалнинг белгиланган хусусиятларини яратишли, пайдо бўлишида энг самарали, мақбул шароитлар яратилди. Минерал ва ҳаво бўшлиғини ҳосил этувчи цемент бўтқаси, қоришмаси кўп компонентли тармоқ сисема ҳисобланиб, компонентларни қотаётган материалнинг ҳажми бўйича тенг, бир текисда тақсимланиши физик-механик хусусиятларини фақатгина механик усулда эмас, балки кўпчитилган цемент тошининг тўлдирилган тўзилиши ва шаклланиш жараёнларини эгаллашдаги физик-химик жараёнларни олиб бориш шароитлари ҳам ҳисобга олинади.

Цемент аралашмасида, композициясида асосан боғловчи бу цемент гели ҳисобланади, парчаланган минералли қопламалар учун актив ҳолдаги парчаланган (ўта майда) минерал модда-ИЭС учринди куми, руда эритиш чиқиндисидан фойдаланиш ёки майда парчаланган минерал тўлғазувчиларни бўтқа тайёрлаш чоғида, химик фаоллаштирадиган моддалар ёрдамида биргаликда уларни майдалаш, янчиш орқали бирикиш ва боғланиш фаоллиги амалга оширилади. Цементли боғловчигасунъий равишда олинган актив минерал ққшимчаларни юмшатувчи (суюлтирувчи) қўшимчалар билан биргаликда ва уларни цементли боғловчига тўлғазилган ҳолатда, юқори тезликларда ишловчи қориштиргичларда уларни тўлдирувчилар билан биргаликда тартибли аралаштириш орқали, юқори зичликка эга бўлган сув ўтказмайдиган, гидро техник қурилишларда ва сув иншоотларида ишлатиладиган иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган бетонларни олинишига сабаб бўлади.

Тўлғазилган цемент аралашмасининг тўзилиш-шаклланиш жараёнларига сезиларли даражада тўлғазувчининг майдалиқ даражаси, унинг физик-химик активлиги, боғловчидаги қотирадиган модданинг концентрацияси ва аралашманинг ғоваклиги таъсир этади. Комплексли химик ва минерал қўшимчалар билан тўлғазилган цемент аралашмасида

(компазицияларида) зичлик ва мустахкамлик янги куйилган бетонларда куйидаги факторлар орқали ифодаланади.

$$R_{я.б} = R \left(\frac{ЦТ}{М}, \rho, \nu, \kappa, P \right)$$

бунда: $\frac{ЦТ}{М}$ – цемент ширасининг тўлғазувчига боғлиқлиги,

ρ – тўлғазувчининг майдалиги,

ν – тўлғазувчи юзасининг активлиги,


κ – цемент қоришмасидаги ёки боғловчисидаги қотувчи мода концентрацияси,

P – цемент тошининг тўлғазилгандаги хосил бўлган ғоваклиги.

Ўтказилган ва олиб борилган тажриба натижалари шуни кўрсатадики, биринчи навбатда тўзилиш-шакилланиш факторлари бўлиб, цемент шираси ва тўлғазувчининг ўз аро нисбатдаги боғлиқлиги миқдорлари асоси ҳисобланади.

Куйидаги 3.1 расмда боғловчининг мустахкамлиги бир текисда тарқалувчи қоришмадаги минерал қўшимчаларнинг миқдorigа боғлиқлигини кўрсатувчи график ифодаланган.

Цементнинг активлиги ортиши билан, тўлғазилган цемент тошининг мустахкамлик чегараси ортиб боради. Цемент активлигига ва минерал қўшимчалар миқдorigа қараб, цемент тошининг мустахкамлик кўрсаткичлари



						Қ %

3.1- расм. Минерал қўшимчаларнинг миқдори.

(боғловчи-цемент оғирлигига нисбатан %).

1-Ахонганрон портландцементи М 400

2-Кувасой портландцементи М 500

3-Навоий портландцементи М 600

Изданиш ишларини олиб боришда, минерал қўшимча сифатида Фарғона, Ангрен, ИЭС нинг учринди кумидан ишлатилди. Энг юқори даражада скилишдаги мустахкамлик чегараси, минерал қўшимчаларнинг цемент оғирлигига нисбатан олингандаги кўрсаткичига нисбатан 17 %....20 % нисбатда цемент боғловчисига қўшилганда олинади. Изданиш натижалари шуни кўрсатдики, цемент қоришмасининг (бўтқасининг) активлигини ошириш, асосан компонентларни аралаштиришни тезлатиш хисобига бажарилиб, бунда цемент тошидаги парчаланмай қолиб, реакцияга киришмаган цемент қисмлари, зарралари тўла холда парчаланади, цемент қоришмасидаги цементнинг активлигини ошириш натижасида, қотирувчи концентрация миқдори ортиб боради.


Цемент бўтқасидаги цементнинг активация этишдаги энг юқори кўрсаткичлари, уларни турбулентли юқори тезликда қориштирувчи қориштиргичларда эришилди. Бундай тажриба натижасида цементнинг солиштирма юзаси, турболентли активация этилганда $400\text{см}^2/\text{г}$ дан $1400\text{см}^2/\text{г}$ гача, тебранмали активациялашда $200\text{см}^2/\text{г}$ дан $2500\text{см}^2/\text{г}$ гача ортиб боради. Лекин бундай қурилмани яратилишида ва ишлаб чиқаришда ишлатилишига унинг тайёрланишидаги мураккаблиги ҳисобланади.

Ишни бажариш давомида, сув-цемент нисбатининг ортиб бориши 0,18...0,4 гача бўлганда, цементнинг солиштира юзаси, тебранмали активация қилинганда ҳам тўхтаб қолади. Ҳаракатчан (оқувчан) қоришмалар орқали, турбулентли ва тебранма турбулентли усулларда активация қилинган қоришмадан тайёрланган наъмуналарнинг мустаҳкамлиги асосан бир хил кўрсаткичга эга.

Ҳаютин Ю.Г олиб борган тажриба натижалари шундан иборатки, цемент-қум қоришмасига икки босқичли ишлов бериш орқали бажарилади (11). Ушбу технологияда биринчи босқичда юқори тезликдаги турбулентли цемент қоришмаси аралаштирувчи қориштиргичлар орқали тайёрланиб сўнгра Ушбу қоришма билан юқори тезликда айланувчи турбулент қориштиргичларда қум билан биргаликда аралаштирилади. Натижада қоришма бўтқаси таркиби ва ундаги цементни активацияси ортиб, юқори кўрсаткичли гомогенизация-бир текисда, бир хилда парчаланиш ҳисобига тққис аралаштириш ҳосил бўлади. Шундай қилиб, цемент бўтқасида қотирувчи модданинг концентрациясини ортиб бориши цементнинг активлигини ортиши билан, аралаштириш тезлиги ишлатувчи минерал қўшимчаларнинг тури, цемент зарраларининг бирикишини юқорилашиб бориши, цемент тошидаги майда парчаланган зарралар асосида шакилланиш вужудга келади. Цементни активацияланиш кўрсаткичини ортиб бориш, тўлғазувчининг активлиги барча хусусиятлар, цемент тошнинг ушбу боғловчиларда мустаҳкамлигини ортиб боришини кўрсатди.

3.2-расмда қориштиргич тезлигига нисбатан ўзгариб борадиган цемент қоришмасининг мустаҳкамлик чегараси кўрсатилган.

Цемент қоришмаси мустаҳкамлигини минерал қўшимчалар миқдори ва аралаштириш тезлигига боғлиқлигини кўрсатувчи график.



							Қ %

3.2-расм. Минерал қўшимчалар билан тўлғазилган цемент қоришмасини аралаштириш (цемент оғрлигига нисбатан %).

1 --қориштиргич тезлиги 33 об/минут

2--қориштиргич тезлиги 360 об/минут

-3-қориштиргич тезлиги 1000 об/минут


Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, цементнинг мустаҳкамлиги, маркаси М 400 бўлган цементда минерал қўшимчалар билан биргаликда ушбу технология асосида бажарилганда, ўртача 3.5МПа кўрсаткичдан пайдо бўлади.

Шунингдек, цемент қоришмасига минерал қўшимчаларни қўшиб, турболентли қориштиргич ёрдамида тайёрланса цемент қоришмасининг мустаҳкамлиги сув-цемент миқдорининг ортишига сезиларсиз даражада боғлиқ бўлиб, унингмустаҳкамлигини пасайтирмайди.

Тўлғазувчи қўшимчалар Билан тўлдирилган цемент қоришмасида сув-цемент нисбатини ортишида унинг сиқилишидаги мустаҳкамлик чегарасини бирданига тушиб кетиши кўзатилади, яъни майда заррали солиштирма зичлиги юқори шакилланган, сув-цемент нисбатининг ортиши билан тўлғазилган цемент қоришчаларида содир этилиб, эркин сувнинг пайдо бўлишини тўхтатади. Зичлиги юқори ва минерал

кўшимчалар билан тўлғазилган цемент қоришмасини шаклланиши, хажмий оғирлигининг ортишини кўрсатади (3.4-расм).


Цемент тошнинг минерал қўшимча ва сув-цемент (С/Ц) нисбатига қараб мустаҳкамлигини ўсиб бориши



3.3-расм. Цемент қоришмасидаги минерал қўшимчалар.

- 1- минерал қўшимчалар миқдори қ 0 %
- 2- минерал қўшимчалар миқдори қ 17 %
- 3- минерал қўшимчалар миқдори қ 33 %
- 4- минерал қўшимчалар миқдори қ 50 %

Компанент боғловчиларнинг юқори тезликда аралаштиришда минерал қўшимчалар (УСК) га боғлиқ холда цемент тошининг ортиб бориши



--	--	--	--	--	--	--

3.4-расм. Цемент оғирлигига қараб, минерал қўшимчалар, % дан нисбатда бўлади.

1- минерал қўшимчалар миқдори қ 0 %

2- минерал қўшимчалар миқдори қ 33 %

3- минерал қўшимчалар миқдори қ 50 %

Минерал қўшимчалар миқдорига қараб, тўлғазилган цемент тошининг солиштирма оғирлигини ўзгаришини солиштириб, унинг хажмий оғирлигини, (минерал қўшимчалар сарфини ошира бориб, 33 % дан бошлаб) ўзгартирамиз. Натижада бундай зичлиги юқори ва физик-механик хусусиятлари яхши бўлган цемент тошни вужудга келишини аниқлаймиз.

Қоришмада цемент бўтқасининг компонентлари тўла юзалари бўйича хажмий эгаллаши, шунингдек ёпиқ холдаги ғовакларни кўпайиши, цемент тошнинг физик-техник хусусиятларини яхшиланишига олиб келади. Ушбу айтилган фикрларни текшириб бориш мақсадида, ҳаво бўшлиқли тўлғазилган цементли, қоришма юқори тезликдаги турбулентли қориштиргичларда маълум бўлган технология бўйича аралаштириб, улардан бир неча наъмуналар тайёрланди.

Қоришмага ҳаво бўшлиғини ҳосил этувчи қўшимча сифатида, ШЕК (хелочрўе стоки копролактами) –копролактами ишлов беришда ажралиб чиқадиган ташлама чиқиндисидан ишлатилди ва қоришмага цемент оғирлигига нисбатан 0.8% нисбатда қўшиб борилди. 3.4-расмда цемент тошининг синаш натижалари келтирилган. Ушбу натижа минерал қўшимчалар билан тўлғазилган ва кўпчитадиған ҳаво бўшлиқли қўшимча ёрдамида юқори тезликда айланиб, аралаштиргувчи қориштиргичда олинди. Кўрсатилган маълумотлардан маълумки, ката

тезликда айланувчи турбулентли қориштиргичда, боғловчини ҳаво бўшлиқли кўшимчалар ёрдамида аралаштириб унга цемент оғирлигига нисбатан энг катта миқдорда-0.8% нисбат билан кўшиб тайёрланиши материални ҳажмий оғирлиги 2000 кг/м^3 дан 1700 кг/м^3 гача камайишига олиб келди, лекин бундай материалнинг мустаҳкамлигини камайиши кўзатилмади.

Юқори маркадаги цементлар ёрдамида, уларга минерал кўшимчаларни 50% гача кўшилиши(цемент оғирлигига нисбатан) ва ҳаво бўшлиғи ҳосил этувчи кўшимчалар ёрдамида ишлов берилиши, цемент миқдорини бир мунча (50%гача) камайтиради. Олинган натижалардан кўринадики, комплексли цементли боғловчиларни 50% гача миқдорда, Ушбу технология ёрдамида сарфларини қисқартирилиши, юқори маркадаги цементдан фойдаланиш ҳисобига эришилиб, уни ҳажмий оғирлигини бир неча марта камайтиради.

Цемент сарфи қисқартирилган комплекс боғловчининг 1г. даги ҳажми кўп бўлганлиги сабабли, улар ёрдамида тайёрланган қоришманинг технологик хусусиятлари, асосан гидротехник бетонларда, физик-техник хусусиятларини яхшиланишига сабаб бўлади.

Бажарилган ишлар ва изланишлар кўрсатдики, цемент қоришмасини минерал кўшимчалар ва ҳаво бўшлиғи ҳосил қилувчи кўшимчалар билан тайёрланиш технологияси, унинг ёрдамида тайёрланган тош ьатериалининг физик-техник ва иқтисодий кўрсаткичларида сезиларли даражада номён бўлади.

Цемент қоришмасининг тўзилиши-шакилланишида цементли комплекс боғловчининг роли ва уларни цементнинг қотиш жараёнини шакилланишидаги таъсирини тўғри танлаш учун, бир неча марта Ушбу боғловчилар ёрдамида тажрибалар ўтказилади.

Натижада цемент қоришмасининг шакилланиши ва қотиш жараёнларига ҳозиргача ишлатилиб келинаётган ҳаво бўшлиқларини

хосил этувчи боғловчилар: сульфанол, СДО, СНВ, ЦНИПС, С-3 ва ҳ.к. қўшимчалар, аввалги технология ёрдамида қоришмага бир неча марта қўшиб тайёрланди. Бундан ташқари ХСК (хелочнўе стоки копролактами) копропактан ташлама чиқиндисидан ишлатилди. 3,1-жадвалда компонентларни аралаштириш тезлиги ва сув цемент нисбатига боғлиқ равишда комплекс тўлғазилган цементли боғловчиларнинг, технологик хусусиятларини ўзгариш қонуниятлари келтирилган. Тажриба натижалари шуни кўрсатадики аралаштириш тезлигини ортиб бориши ва боғловчининг сув ушлаб туриши, кўпчитилган ҳолда тайёрланган қоришмани оқувчанлигини оширади. «Кўпчитилган комплекс минерал қўшимчали тўлғазилган цемент қоришмаси» ни аралаштириш тезлигини ортиши билан, унинг аралаштириш вақтини ва қурилмани иш унумдорлигини ортишини сақлаб қолиш мумкин бўлади. Бундан ташқари, аралаштириш тезлигининг бир хил бир текисдалиги ва ўзаро боғланиш ортиб боради. Шунингдек, сувни ажралиб қолиши камаяди. Цемент тошнинг тўзилиши-шакилланишида боғланиш йўналишини (сувни ўзида тўла тарқалишини вужудга келтириб) сақлаб қолиш ҳисобига юқори даражада оқувчанликка эга бўлган қоришмани вужудга келтиради. Бошланғич жараёни секинлатиб тўзилиши- шакилланиши жараёнларини тезлатади.

Цементни сув билан боғланиши (бирикиши) биланоқ, сув-цементнинг энг майда тирқишларига ҳам кириб боради, уни эрита бошлайди. Ббирикиши канча катта бўлса, шунча цементни эриши яхшиланади.

Ката тезликда аралаштирувчи турбулентли қориштиргичларда комплекс қўшимчаларни цементли боғловчилар билан ўзаро “цемент + комплексминерал қўшимча + сув + хаво бўшлиғи хосил этувчи қўшимча” аралаштириш натижасида олинган қоришманинг тўзилиши, шакилланишидаги мустахкамлиги ва зичлигини ортиб бориши бир

мунча кечроқ бошланиб (3-7 суткадан сўнг) бошланғич давирда, ҳаво бўшлиғини ҳосил этувчи ва минерал қўшимчаларнинг қотиш жараёнини секинлаштиради. Яъни қоришмасини оқувчанлигини, яхшилаб уни ўзоқ масофаларга ҳам ташиб бориш имкониятини оширади. Бу ўз навбатида қурилиш жойларида бетонга ортиқча сув қўшиб, унинг мустахкамлигини камайтирадиган салбий жараёнларни камайтиради. Қоришмани физик-техник хусусиятини яхшилайти.

Комплекс минерал ва химиявий қўшимчалар билан цемент қоришмасини тайёрлаш технологиясини таъсирини ўрганиш жараёнларида аниқландики тез айланувчи турбулентли қориштиргичларда компонентларни аралаштириши кетма кетлиги муҳим аҳамият касиб этади ва унинг физик-техник хусусиятларида намоён бўлади.


Турбулентли қориштиргичларга биринчи навбатда цементли компанентларни курук ҳолатда тўлдириш мумкин эмас, чунки бу ўз навбатида қориштиргични деворларга ёпишиб қолишлигини ва ишчи қисмларни тўхтаб-тўхтаб қолишга, шунингдек қоришмага ҳаво бўшлиқларини ҳосил этувчи қўшимчани қўшиб тайёрлаганда унинг кўпиртириш, суюқлантириш хусусиятларини пасайтиради ёки бутунлай йўқотади.

Комплекс қўшимчалар билан тўлғазилган цементли қоришмани тайёрлашдаги энг мақбул кетма-кетлик режими билан аралаштириш қуйидагича: Ишлаб турган юқори тезликда айланувчи турбулентли қориштиргичга сувда эритиб аралаштирилган ҳаво бўшлиғи ҳосил этувчи қўшимча ташланиб у ўз навбатида 15 сек. аралаштирилади, сўнггра ўлчанган ҳолатдаги барча минерал қўшимчалар ўзатилади ва аралаштириш яна 20...25 сек. давом эттирилиб, шундан сўнг керакли миқдордаги ўлчанган цемент ташланади. Бундай тартиб, кетма-кетлик билан барча компанентларни юқори тезликда айланувчи қориштиргичга

юкланиши, унинг раторига ёпишиб қолиниш (қориштиргични ички қисмларига) кўрсаткичини камайтиради ёки бутунлай йўқотади. Натижада қуйи компонентларни кўпчилиши хажми ортади, заррачалар ўртасидаги бўшлиқни ўлчами кичраяди, комплекс минерал қўшимчаларни таъсир этиш активлиги, сув билан киришиш кўрсаткичи ва цемент активлиги ортади. Натижада цемент тошларини тўла холда гидротланиш ва парчаланишини юзага келтиради.

Қуйидаги 3.6-расмда қоришма бўтқаси тайёрлашда компонентларни юкланиши кетма-кетлигини, аралаштириш даврига, комплекс минерал қўшимчалар билан тўлғазилган цемент қоришмасида компонентларни боғловчилар билан аралаштириш тезлигига боғлиқлиги кўрсатилган.

Компонентларни тез айланувчи қориштиргичга юкланиш кетма-кетлиги



3.6-расм 1ъ- айлантириш тезлиги 360 об/мин.

2ъ- айлантириш тезлиги 1000 об/мин.

1. Цемент + минерал қўшимча + сув + ҳск (ҳск-хелочнўе стоки копролактами) копролактом оқава чиқиндиси.

2. Сув + ХСК + минерал қўшимча + цемент.

Хаво бўшлиқли кўпчиш хажмини ортиши билан бир бирлик цементдаги цемент бўтқасини хажми кўпаяди, яъни ҳеч қандай цемент сарфини кўпайтирмасдан, цемент қоришмасини (бўтқасини) миқдори ортади, бу ўз навбатида бетондаги ғовакликни камайтиради ва унинг зичлигини, муҳитдаги совуққа бардошлилигини қолиплаш даврида ва ташиш чоғида унинг технологик хусусиятларини яхшилайти. Қуйидаги 3.7-расмда цемент бўтқасидаги хаво бўшлиқли кўпчиш хажмини, хаво бўшлиғи пайдо этувчи қўшимчасиз компонентларни юқори тезликдаги турбулентли қориштиргичда аралаштириш натижасида, комплекс минерал қўшимчалар миқдори ва уларни сув сақлаб қолиш, қоришманинг сув ушлаб туриш кўрсаткичини ўзгариши ҳисобига ортади. Минерал қўшимчаларнинг миқдорини ортиши, цемент сарфини пропорционал равишда камайтиради ва ўз навбатида мос равишда хаво бўшлиғи пайдо этувчи қўшимча миқдорини, цемент оғирлигига нисбатан 0,5...0,8 % кўшганда, қоришмадаги цемент миқдорини кескин камайтиради. Ҳаво бўшлиқли кўпчишнинг хажмини ортиб бориши, цемент қоришмасининг ҳаракатчанлигини ошишига олиб келади.

Келтирилган 3.8-расмда ХСК миқдорининг ўзгаришига мос ҳолда цемент қоришмасининг ҳаракатчанлиги натижалари кўрсатилган.


Олинган натижаларни таҳлил этиш шуни кўрсатдики, минерал ва хаво бўшлиғини ҳосил этувчи химиявий қўшимчаларни биргаликда юқори тезликда айланивчи турбулентли қориштиргич ёрдамида тайёрланган цемент қоришмаси, уни алоҳида олиб тайёрлангандаги қоришманинг мустаҳкамлигига ва хусусиятларига қараганда, кучлироқ, кучайтирилган ҳолатда бўлишлигини аниқлайди.

Боғловчининг сув ушлаб қолишини ҳаракатчанлиги юқори бўлган цемент қоришмасининг барча ташкил(тўлдирувчиларини) эгувчиларини технологик циклда активлаштириш йўли билан камайтириш, юқори тезликдаги турбулентли усулда цементли боғловчининг минерал ва

химиявий қўшимчалар билан тайёрлаш, унинг зичлигини, цемент тошнинг мустаҳкамлигини ошишига олиб келади. Бу ўз навбатида шу цемент қоришмаси ёрдамида тайёрланган бетоннинг физик-техник хусусиятларини яхшилайти.

Таркибида сув сақлаш кўрсаткичи ва минерал қўшимчалар миқдори

қараб, пайдо бўлган ҳаво бўшлиғининг ҳажмий ўзгариши



3.7-расм. Цемент оғирлигига нисбатан олинган минерал қўшимчалар


миқдори, % ҳисобида

1-ҳаво бўшлиғи ҳосил қилувчи модда қ0.4%

2-ҳаво бўшлиғи ҳосил қилувчи модда қ0.3%

Минерал қўшимчалар миқдори қараб, цемент қоришмасининг ҳаракатчанлиги (оқувчанлиги)

С/Ц-нисбатига қараб, ҳаво бўшлиғи ҳосил қилувчи қ0,4%



--	--	--	--	--

3.8-расм. Минерал қўшимча ва ХСК миқдори цемент оғирлигига нисбатан, % ҳисобида.

- 1- минерал қўшимча миқдори қ 0 %
- 2- минерал қўшимча миқдори қ 33 %
- 3- минерал қўшимча миқдори қ 50 %

Ҳар тамонлама изланиш натижаларига кўра комплекс минерал қўшимчалар ва ҳаво бўшлиғи ҳосил қилувчилар ёрдамида олинган кўпчитилган цемент қоришмаси ёрдамида тайёрланган намуналар ўлчами 150x150x150мм, 150x150x300мм ва 150x150x600мм бўлиб, уларни асосида кўпчитилган карамзито бетон тайёрланди. Уларни физик-механик хусусиятлари ўрганиб чиқилдию Комплекс қўшимчали кўпчитилган керамзитобетоннинг совуққа чидамлилиги ва сув ўтказмаслик кўрсаткичлари бўйича текшириш ишлари амалда фойдаланилиб келинаётган стандартлар асосида олиб борилди.

Изланиш натижалари бўйича ишлаб чиқарилган кўпчитилган керамзитли бетоннинг атмосферага чидамлилиги нам иссиқлик ишловидан сўнг қотувчи ва текшириш вақтига қадар табиий шароитда қуёш радиацияси таъсирида ва намланиш, ҳарорат ва намликни ўзгартириб туриш жойларидасақланган намуналарда олиб борилди. Таклиф этилган комплекс қўшимчалар асосида ишлаб чиқарилган керамзитли бетонларнинг тўзилиши-шакилланиш жараёнларини ўрганиш бўйичаасосий диққат марказида турган масала, бу цементли қоришмадаги очиқ ғовакликлар учун, сув-цемент нисбатини мумкин қадар озайтиришга қаратилган.

Бундан ташқари ҳаво бўшлиғи ҳосил қилувчи қўшимчалар ва летексни цемент қоришмасининг хажми бўйича, бир текисда тенг

миқдорда тақсимланиши, ёпиқ ҳолатдаги ғовакларни (бўшлиқларни) ўлчамларини мумкин қадар кичрайтиришни таъминлайди ва унинг солиштирма хажмий оғирлигини мумкин қадар озайтириш билан, цементнинг юқори талабдаги физик-механик кўрсаткичларини яхшилайдди.

Барча изланиш ишларида “латекс”ни қўшиш, цемент оғирлигига нисбатан 0.5% қаттиқ ҳолатдаги модда ҳисобида қўшилди. Шу сабабли қотаётган кўпчитилган цемент қоришмаси ва тошининг тўзилиш-шаклланишидаги изланишлар, боғловчининг компонентларини аралаштириш тезлигига боғлиқ равишда унинг органик минерал боғловчилар билан тўлғазилиш кўрсаткичига, кўпчитувчи СДО қўшимчасининг фоизли миқдорида боғлиқ ҳолда ўтказилди. Тажриба маълумотларини тахлили шуни кўрсатдики, ҳаво бўшлиғи ҳосил этувчи қўшимча-СДО миқдорини оз нисбатда қўшилиши (0.6% цемент сарфига нисбатан) натижасида унинг зичлигини $1650-1700 \text{ кг/м}^3$ миқдорида қадар озайтиришга эришилди. Натижада, цемент қоришмасига 5% гача миқдорда органик минерал қўшимчаларни (цемент сарфига нисбатан) қўшиб тайёрлаганимизда, унинг мустаҳкамлиги кўпайиб, ўртача 48-51 МПа га кўпайтирилишига олиб келади.

Кўпчитилган цемент тошининг мустаҳкамлигини ўзгариб боришини таққослаш ва зичлигини озайтириш этувчи қўшимчалар (композитлар)нинг микро тўзилиши-шакилланиш жараёнида, ҳаво бўшлиғини ҳосил этувчи қўшимчаларнинг энг мақбул ва тўғри миқдорларини (0.45...0.60% цемент сарфига нисбатан) ва тўзилиш-шакилланишини вужудга келтирувчи (30-50% қўшимчаларни) шунингдек технологик кўрсатмалар ва физик-техник кўрсаткичларни тўғри танлаш ҳисобига олиб борилади.


Аввалдан фойдаланилаётган кўпчитилган аралашмаларда, агар улар комплекс равишда пластиклик ва шакилланиш-тўзилишни

кучайтирувчи органик минерал боғловчиларсиз умумий қабул этилган технологиялар бўйича секин айланувчи қориштиргичларда тайёрланса, ҳаво бўшлиғининг ҳажмини ортиши билан, материални мустаҳкамлиги сезиларли тарзда пасаяди. Бизнинг тажриба натижаларимизда бу ҳолат юз бермади.

Ўтказилган изланиш натижаларининг таҳлили, шуни кўрсатдики, цемент қоришмасини ҳар қандай ҳолатда ҳам унинг мустаҳкамлигини пасайтирмасдан туриб, кўпчитиш йўллари очиб берди.

Кўпчитилган боғловчининг юқори мустаҳкамлиги (бетоннинг микро тўзилишини) қолиплаш даврида, енгил бетоннинг макро тўзилишини оддий тўлдирувчилар асосидаги композицион материалнинг тўлғазиш кўрсаткичини ортишини таъминлайди, натижада, кўзланган бетон мустаҳкамлиги учун ҳажмий оғирлигини камайтишини ёки унинг ҳажмий оғирлигини оширмасдан бетоннинг макро тўзилишдаги мустаҳкамлигини кўпайтиради. Шундай қилиб, цемент қоришмасининг турбулентли қориштиргичда активация этиш, ваунга комплекс қўшимчаларни қўшиш, мустаҳкамликни ортиб бориш шароитларини таъминлайди ва шу билан бир қаторда кўпчитилган керамзитли бетонлар учун ҳажмий оғирликни камайтиради.

Қўшимчанинг миқдорини цемент тошнинг ҳажмий оғирлиги ва мустаҳкамлилигига таъсири




3.9-расм. 1-қўшимчасиз 2-комплекс органик қўшимча-33%
3-комплекс органик минерал қўшимчалар-55%

Комплекс органик минерал қўшимча миқдорининг цемент қоришмасини

тўзилишига таъсири.

Сув/цемент қ 0.25, қориштиргич тезлиги В қ 1000 об/ мин.



3.10-расм. 1- ҳеч қандай қўшимчасиз
2-комплекс органик минерал қўшимча қ 17%
3- комплекс органик минерал қўшимча қ 33%
4- комплекс органик минерал қўшимча қ 50%

3. Яхлит бетон ва темир-бетон қурилмалари технологияси.

Мустақил Ўзбекистонда бугунги кунда кенг кўламда қурилиш ишлари олиб борилмоқда ва бунда сифат талаблари алохида ўрин тутмоқда. Йиғма темир-бетон қурилмалари билан бир қаторда яхлит бетонлар ҳам кўплаб ишлатилмоқда. Чунки Йиғма темир-бетондан қурилган уйлар сериялари кам бўлганлиги сабабли бир хил қолипда, бир-бирига ўхшаш уйлар қурилмоқда, яхлит бетон ва темир-бетондан эса хар-хил композициядаги, миллий меъморчилик анъаналарини ҳисобга олган ҳолда иқлим ва муҳит талабларини эътиборга олган ҳолда бино ва иншоотларни қуриш имкониятини беради.

Йиғма темир-бетон қурилмаларига бўлган талаб ҳам йилдан-йилга камайиб бормоқда. Биргина Наманган вилоятини олсак, бир вақтлар бутун республикага донги чиққан уйсозлик камбинатида бугунги кунда фақат биргина цехи ишламоқда ва у ҳам кичик ҳажмдаги қурулмалар тайёрламоқда, Уйчи темир-бетон заводида ҳам буюм ва қурилмалар ишлаб чиқариш суръати кескин камайган, бундай ҳолат вилоятдаги барча йиғма темир-бетон буюмлар ишлаб чиқариш корхоналарида кузатилмоқда.

Яхлит бетон ва темир-бетон қурилмаларининг техник иқтисодий кўрсаткичлари ҳам яқин келажакда уларнинг қурилишдаги ҳажмини ошишига олиб келади.

Яхлит бетон ва темир-бетондан бино ва иншоотларни қуриш жараёни қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

- қолип ишлари;
- арматура ишлари;
- бетон қоришмасини таёрлаш, ташиш, ётқизиш, зичлаш;
- бетонга қаров ва пардоз ишлари;
- бино ва иншоотларни сифатини текшириш.

3.1. +олип ишлари

Яхлит бетон самарадорлиги қолип ишлар техник даражаси билан белгиланади: бетон ишлар комплексида конструкциялар турига қараб уларнинг нархи 15-20% ни ташкил этади. Уларни тайёрлашга ва ўрнатишга кўплаб ёғоч материаллари, тунка, металллар, симлар сарф қилинади. +олипларни ўрнатиш, йиғиш, ажратиш ва таъмирлаш ишларида кўплаб ишчилар банд бўлади.

Шунинг учун яхлит бетонлар қурилишда қолип ишларини такомиллаштириш катта аҳамиятга эга.

Яхлит бетон ва темир-бетон қурилмалар ҳамда иншоотларни қурилишида турли хил қолиплар ишлатилади. +олип қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

-қолип керакли мустахкамлик, қаттиқлик ва ишларни ўтказиш жараёнида юзага келадиган технологик юklamалар таъсири остида геометрик ўзгармасликка эга бўлиши;

-бетонланаётган қурилма ва иншоотлар ўлчамларининг белгиланган аниқлигини ҳамда уларнинг кенгликда ортириланишини таъминлаш;

-қолип қурилмасини йиғиш ва қисмларга ажратиш осон бўлиши, бунда тутатиш жойларида керакли даражадаги зичлик таъминланган бўлиши лозим;

-қолип бетон билан жуда кичик ёпишиш (адгезия) га эга бўлиши керак;

-қолип оборотда бўлиши, яъни бир неча марта қайта ишлатила олиши керак;

“Монолит бетон ва темир бетон конструкциялар” қурилиш меъёрига асосан қолип, хавозалар, маҳкамлаш мосламаларини ҳисоблаб чиқишда қуйидаги норматив юklamаларни қабул қилиш тавсия этилади:

Вертикал юкламалар:

- а) қолип ва хавозаларнинг чизмалар бўйича аниқланадиган ўз оғирлиги;
- б) янги ётқизилган бетон оғирлиги;
- в) арматуранинг лойиҳада қабул қилинган оғирлиги;
- г) асбоб ва ишчилар, транспорт воситалари берадиган юкламалар;
- д) бетон қоришмасининг тебратишдаги, горизонтал сиртнинг 200 кгс/м^2 га тенг деб олинадиган юклама.

Горизантал юкламалар:

- е) муомиладаги нормаларга асосан шамол юзага келтирадиган юкламалар;
- ж) бетон қоришмаси қолипининг 9-жадвалда келтирилган ён томон элементларига кўрсатадиган босими;
- з) тикланаётган курилма қолипларига бетон қоришмасини тўкишда пайдо бўладиган ва 10-жадвалда келтирилган юкламалар;
- и) бетон қоришмасини тебратишдаги, қолипнинг вертикал сиртини 400 кгс/м^2 ига тенг деб олинадиган юклама.

Бетон қоришмасининг қолипнинг ён томон элементларига
кўрсатадиган босими

9-жадвал

Т.р	Зичлаш усули	Бетон қоришмасининг ёнлама босими максимал миқдорини аниқлаш учун ҳисоблаш формулалари, кгс/м ²	Формулани қўллаш чегаралари
1	Ички тебратгичлар ёрдамида	$P_{кг} \cdot X$ $P_{кг}(0.27B+0.78)K_1 P_2$	$H \leq P_1 (X \geq 1м)$ $B \geq 0.5$
2	Ташки тебратгичлар ёрдамида	$P_{кг} \cdot X$ $P_{кг}(0.27B+0.78)K_1 P_2$	$H \leq P_2 (X \geq 2м)$ $B \geq 4.5$

Кабул қилинган белгилар:

P -қоришмани максимал ёнлама босими, кгс/м²;

γ -бетон қоришмасининг ўртача зичлиги, кгс/м²;

H -ётқизилган бетон қоришмаси қатламининг баландлиги, м;

B -қурилманинг бетонлаш тезлиги, м/соат;

$P_1 P_2$ -ички ва ташки тебратгичларнинг ҳаракат радиуси, м;

K_1 -бетон қоришмаси консистенциясини ҳисобга олувчи коэффициент ЧКқ0...4см Кқ0,8; ЧКқ4...6см Кқ1,0; ЧКқ6...12см Кқ1,2;

K_2 -бетон қоришмасини температурасини ҳисобга олувчи коэффициент ЧКқ0...4см Кқ0,8; ЧКқ4...6см Кқ1,0; ЧКқ6...12см Кқ1,2;

+олипларга бетон қоришмасини тўкишда ҳосил бўладиган
юкламалар

10-жадвал

Т.р	Бетон қоришмасини узатиш усули	+олипнинг ён элементларига тушадиган гори
-----	--------------------------------	---

		зонтал юклама, кгс/м ²
1.	Лоток ва хоботлар, шунингдек, бевосита бетон узатгичлар орқали куйиш	
	хажми: 0,2м ³ дан то 0,8м ³ гача	400
	0,8м ³ дан зиёд бўлган	600
	бадиялардан тўкиш	

+олипларнинг асосий турлари.


Йиғма бир жойдан иккинчи жойга кўчириладиган кичик шитли қолип унификациялаштирилган инвентарли ва теб ратгичлар ёрдамида ҳамда ноинвентарь бўлиши мумкин. 4-расмда қурилишда қўлланиладиган қолипларнинг турлари кўрсатилган.

Унификациялаштирилган инвентар қолип турли типдаги яхлит қурилмаларни бетонлашда қўлланилади.

Унификациялаштирилган йиғма бир жойдан иккинчи жойга кўчириладиган кичик шитли қолип унча катта бўлмаган қурилмаларни бетонлашда қўлланилади.

Кичик шитли ноинвентарь қолип индивидуал лойихалар бўйича ягона қурилмалар қуришда қўлланилади. Одатда бундай қолип фақат бир мартагина ишлатилади.

Йиғма бир жойдан иккинчи жойга кўчириладиган йирик шитли қолип катта ўлчамли шитлардан, бириктирувчи ва маҳкамловчи элементларидан иборатдир. Шитлар таркибига



4-расм. +олипнинг асосий турлари:
бир жойдан иккинчисига олиб қўйиладиган, Йиғма.

қолиплар, кўтариб турувчи ва каттиқликни таъминлайдиган элементлар киради. +олип ховазалар, поднослар, регулировка ва установка домкратлари билан таъминланади.


Йиғма бир жойдан иккинчи жойга кўчириладиган йирик шитли қолип катта хажмли (5-расм), шу жумладан эгри чизик контурли (6-расм) йирик курилма ва иншоотларни бетонлашда ишлатилади.

Кўтарма бир жойдан иккинчисига кўчириладиган қолип (7-расм) шитлардан, маҳкамлаш ва кўтариш мосламаларидан, шунингдек, қолипларни кўчиришни бошқариш системасидан иборатдир. +олипни комплектига кўчириш аниқлигини ва полнинг горизанталлигини назорат қилувчи мосламалар киради. Бундай қолип ўзгарувчан кесимли курилма ва иншоотларни қуришда ишлатилади (градирна, мўри ва бошқалар).


Горизантал-сирғанадиган қолип каркас ва унга михланган шитлардан, горизантал ва вертикал кучланиш механизми, шунингдек, бетонлаш жараёнида қолипнинг жойини ўзгартириш аниқлигини назорат қилиш ва бошқариш системасидан иборат. Шитларни бетонланаётган юзага перпендикуляр кўчириш винтли курилма ёрдамида амалга оширилади. +олипга бетонланаётган курилма бўйлаб лебёдка ёрдамида ҳаракат қилади (кўчади).

Горизантал-сирғанадиган қолип катта узунликдаги ҳам тўғри (8-расм) ҳам эгри чизикли курилма ва иншоотлар (очик усулда қурилаётган тоннеллар, таянч деворлари, коллекторлар ва сув ўтказгичлар) ни қуришда ишлатилади.


Сирғанувчан қолип- домкрат рамаларига маҳкамланган шитлардан, ишчи полдан, кўтарма домкратлардан ва насос станциялардан иборат. Бу қолип баландлиги 15 метрдан юқори бўлган яхлит темир-бетон бино ва иншоотларни қуришда ишлатилади.




5-расм. +ўчма айланма қолип:
 1- қолип шити, 2-бетонланган конструкциялар, 3-тиргак
 конструкциялар.



6-расм. Бир жойдан иккинчисига кўтариб олиб қўйиладиган:
 1-Бетонланган конструкция, 2-Тиргак конструкция, 3-Кўтариш
 қурилмалари, 4-+олип шити, 5-Ҳавозалар.



7-расм. Сирпанувчи кўтарма қолип;
 1-+олип шити, 2-Бетонланган конструкция, 3-Тиргак конструкция, 4-
 кўтариш қурилмалари, 5-Ҳавозалар.



8-расм. Бир жойдан иккинчисига олиб қўйиладиган секцияли;
1-+олип шити, 2-кўтариш қурилмалари, 3-қолип аралаштириш
қурилмалари.

Пневматик қолип бетонланаётган иншоотнинг ташқи кўринишига эга бўлган сув ва ҳаво ўтказмайдиган эластик қобикдан иборатдир. Конструктив тутиб турадиган элементлар ролини пневматик балонлар ўтайди. Пневматик қолипни ўрнатиш қобик ичида компрессор ёрдамида юқори даражадаги ҳаво босимини чизиқли контурли қурилма ва иншоотларни қуришда ишлатилади.


Олинмайдиган қолип (9-расм), бетонлашдан сўнг қурилмада қоладиган ва асосий қурилма билан маҳкам бирикадиган блоклар ва қобиклардан иборат.

Олинмайдиган қолип-қолипни айирмасдан бетонлашда, қурилмаларни обловкашда, гидро ва иссиқизоляциялашда ишлатилади.

Шунингдек агар лойиҳада кўзда тутилган бўлса, бетон қоришмаси босими ва технологик юктамаларни ўзига оладиган, қаттиқ арматура ва қаркасларга маҳкамланган осма қолипни қўллаш ҳам руҳсат этилади.

Бетонланаётган қурилма турлари ва геометрик характеристикалари, техник-иқтисодий асосларига таяниб арматура ва бетон ишларини ўтказиш усулларига қараб қолип танланади.

Қолипни ўрнатиш таркибига унинг маркировка чизмалари-ҳамма элементларнинг комплектлари бўйича спецификацияси, қолип ишларини олиб бориш технологик қарталар ва уларни ташкил қилиш схемаси қиладиган қолип ишларини олиб бориш лойиҳаси асосида бажарилади. Технологик қарталарда қолип элементларини ўрнатиш тартиби, шунингдек, меҳнат ва материал ҳаракатлари, ишчи звеноларининг миқдорий-квалификацион таркиби, машина вақти ва электроэнергия сарфи кўрсатилади. Технологик



9-расм. +олип қоплама;
1-Бетонланган конструкция, 2-+олип-қоплама плиткалари.

карталардан фойдаланиб, ишларни олиб бориш ва қолип комплектларини бир жойдан иккинчисига кўчиришни график асосида ўтказиш схемаси ишлаб чиқилган.

+олипни бетон ва темир-бетон қурилмаларидан ажратиш бетоннинг котиш тезлигига, қурилмаларнинг ишлаш хусусиятига, шунингдек қолип элементларининг вазифасига қараб белгиланган муддатларда амалга оширилади.

+олипдан иложи борица кўпроқ фойдаланишни таъминлаш мақсадида уни қурилмалардан ажратиш учун минимал муддатлар белгиланади.


+олипни қурилмадан ажратиш лойихада белгиланган тартибда амалга оширилади. Кўп қаватли биноларда қолипни ажратиш этаплар бўйича, ҳар бир қаватда эса-алоҳида қурилмалар бўйича олиб борилади.

3.1.1. Хорижда қолиплар ишлатилиши тажрибасидан


Хорижда яхлит бетон технологиясида турли қолиплар ишлатилмоқда.

А+Шда силжувчи қолиплардан кенг фойдаланилмоқда. Бу усулда (10-расм) фундамент ётқизилгандан сўнг девор периметри бўйича 120 см баландликда қолип халқаси ўрнатилади. Домкратлар ёрдамида халқа аста-секин юқорига силжийди (тезлиги 15-30 см/с) Шу тезликда бино ҳам қурилиб кўтарилади. +олип юқорига силжиганда, паст қисмидаги бетон мустахкамлиги $3-5 \text{ кг/см}^2$ ни ташкил этади. Бу бетон мустахкамлиги қолип оғирлигини кўтариш учун етарли.

Хозирда Россияда унификацияланган метал кўчма қолиплар қўлланилмоқда (11-расм).



10-расм. Сирпанувчи қолип схемаси:
 1-қолип шити, 2-домкрат рамаси, 3-домкрат, 4-домкрат стерженини
 сиқиш учун платформа, 5-юқори ишчи пол, 6-пастки ишчи пол.




11-расм. Унификацияланган металл қолиплар системаси

а) модул унификацияланган металл шити.

б) ички деворлар йирик шитли қолипи.

в) ораёпмалар йирик шитли қолипи.



11а-расм. Унификацияланган металл қолиплар системаси
г) блок қолипи.

д) блок қолипининг бурчак элементи.

е) хажмли кўчирма (тунель) қолипи

Турар жой биолари, меҳмонхоналар қурилишда девор системалари жуда самарали, бунда барча деворлар-юк кўтарувчи биқир қоробқали конструкция ҳосил қилади. Бу деворлар вертикал ва горизонтал юқламаларни қабул қилинганлаги сабабли уларни қалин қилиб лойиҳаланади, шунингдек улар биоларнинг товуш-иссиқ ҳимоя ва оловга чидамлилиқни таъминлаши керак.

Деворлар жойлашиши билан фарқланадиган девор конструктив системалари асосий турлари 12-расмда келтирилган.

бунда:

а,б-кўндаланг юк кўтарувчи деворлар (параллель ва радиал).

в-бўйлама юк кўтарувчи деворлар.


г,д-чорахали юк кўтарувчи деворлар.

13- расмда биринчи конструктив-технологик типдаги йирик шитли ва блокли қолипларда биолар қурилиши кўрсатилган. Бу усулда олдин барча ички ва ташқи деворлар қурилади, сўнг ораёпма ташкиллаштирилади. Бунда қолиплар юқорига олинади.


Янги индустриал қолиплар турлари ишлаб чиқилиши ривожланган давлатларда яхлит бетон ва темир-бетондан бино ва иншоотлар қурилиши кескин суръатда ошади.

қолипларнинг янги турларидан-тоннель қолипи кенг қўлланилмоқда. Бу қолиплар ёрдамида бир вақтнинг ўзида бионинг деворлари ва ораёпмалари бетонланади, бу эса қурилиш муддатларини кескин қисқартиради.

Японияда қолиплар армопластикадан тайёрланмоқда. Бу қолиплар фанерага нисбатан енгил, чиримади, арзон.



12-расм. Бинолар девор конструктив системаси



13- расм. Биринчи конструктив-технологик турдаги биноларни курилиши

1) йirik шитли қолип; 2) блокли қолип; 3) яхлит девор;

4) ораёпма; 5) ташқи деворнинг горизонтал чоки.

Мисол учун Япониянинг “КОБЭ СЕЙКОСЕ” фирмаси томонидан шаффоф листли армопластикадан ишлаб чиқилган қолип юқори мустахкам алюминий қуймасидан тайёрланган рамага ўрнатилади. +олип ичидаги бетон қоришмаси кўриниб туради ва қоришма ётқизиш жараёнларини назорат қилиш имконини яратади. Бунда қолиплар Токиода 30-қаватли 923,96м² майдонга эга бино қурилишида қўлланилган.

3.2. Арматура ишлари

Бетон ишларининг умумий комплексида арматура ишлари 17....30% кийматини, 10....25% меҳнат сарфини ташкил этади.

Арматура ишлари алоҳида жараёнлардан: арматурани мустахкамлаш, тайёрлаш, қолипга ўрнатиш, шунингдек, зарур ҳолларда унда олдиндан таранглик ҳосил қилишдан иборат бўлган комплекс жараёндир.

Яхлит бетонлардан қурилмалар қуришда ҳар хил арматура стерженлар арматура каркаслари ва сеткалари ва бошқа буюмлар ишлатилади.

Арматурани ишга тайёрлаш қуйидаги операциялардан иборат: тўғрилаш, қирқиш, эгиш ва пайвандлаш. Уни тайёрлаш махсус цехларда ёки механизациялашган арматура устахоналарида амалга оширилади.

Диаметри 12 мм гача бўлган енгил арматурани тайёрлаш конвейр усулида калаваларда етказиб берилади. Алоҳида ва сим чивик қурилишида етказиб бериладиган, диаметри 13 дан 40 мм гача бўлган оғир арматурани алоҳида тайёрлаш йўли билан амалга оширилади. Арматурани тайёрлаш схемаси 12-расмда кўрсатилган.

Арматурани монтаж қилишда аввал чизмалар бўйича ўрнатилган қолипнинг ўлчамлари, шунингдек унинг мустахкамлиги ва турғунлиги

текширилади. Арматурани монтаж қилиш ишларни бажариш лойихасида белгиланган ва тўғри ҳолатини ҳамда маҳкамланишини таъминлайдиган тартибда бажарилади.


+урилишда ишлатилаётган арматура буюмларини унификация қилиш катта аҳамиятга эга.

Арматураларни қурилиш майдончасида монтаж қилиш ва пайванд қилиш ҳам ўзига ҳос кийинчиликларни туғдиради. Шу ишларни механизация қилиш учун олимлар томонидан (Патон номидаги Москва электропайванд институти) қурилиш майдонида арматура ўзакларини контакт пайванд қилиш учун янги технология ва ускуналар ишлаб чиқилди.

Бетон ва темир-бетон яхлит деворларда хисобий ва конструктив арматуралар ўрнатилади.

Сейсмик райёнларда бинолар қурилганда арматураларни жойлашиши бутун девор бўйича бўлади . Бундай қурилмаларда қўшимча девор бўйича армоблоклар ва 4-ўзакли каркас билан таминланади.

АРМАТУРАНИ ТАЙЁРЛАБ БЕРИШ СХЕМАСИ



3.3. Бетон қоршмасини тайёрлаш, ташиш, ётқизиш ва зичлаш.

Бетон қоришмаларини тайёрлаш курилаётган объектларнинг жойлашиши, бетон ишлари хажми ва бошқа омилларни хисобга олган холда марказлаштирилган ёки объект яқинидаги бетон заводида амалга оширилади .

Бетонни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ҳамма ишларни энг юқори даражада механизациялаш ва автоматлаштиришга марказлаштирилган заводларда эришилади. Шу сабабли мос келадиган техник-иқтисодий асослар бўлганда ва технологик талаблар қондириладиган шароитларда туман бетон заводларида тайёрланадиган бетонни етказиб беришни марказлаштиришга ҳамма вақт марказий бетон заводидан узоқда бўлганда катта хажмдаги бетон ишларидан қоришгичлардан фойдаланилади. Бунга йўл шароитлари ҳам сабабчи бўлиши мумкин.

Бетон қоришмасини тайёрлашда материаллар массаси(оғирлиги) бўйича дозировка қилинади (сув ва суюқ ҳолатидаги қўшимчалар бундан истисно).

Бетон қоришмасини тайёрлаш учун икки хил: материаллар эркин аралаштириладиган ва мажбуран аралаштириладиган бетон қорғичлар қўлланилади.

Материалларни бетон қорғичга солиш қуйидаги тартибда бажарилади: олдин сув билан йирик тўлдиргич ва цемент солинади.

Қоришма компонентларини аралаштиришнинг давом этиш муддати бетон таркибига, аввало, сув ва цемент таркибига ва қоришгичлар турига боғлиқ. Аралаштириш муддатига, шунингдек тўлдирувчиларни йириклиги ва қоришма хажми ҳам таъсир этади. Амалда бетон қоришмасини аралаштириш муддатини тажриба йўли билан қурилиш лабораторияси белгилайди.

Тажриба маълумотлари бўлмаган тақдирда аралаштиришнинг давом этиш муддати СНиП тавсияларига кўра қабул қилинади (11-жадвал).

Бетон қоришмаларини аралаштиришнинг энг кам давомийлиги

11-жадвал

Т. Р	Тайёр қоришма нинг хажми, л	Гравитацион қорғичларда, КЧ,см			Мажбурий аралаш- тириладиган қориш ғичларда
		3дан кам	3-6	6 дан зиёд	
1.	500 ва ундан кам	105	75	60	60
2.	500 дан ортиқ	150	120	90	60

Бетон қоришмасини ташиш жараёни бетон заводида уни бункердан қабул қилиб олиш ва турли транспорт воситаларида қурилиш майдончасига етказиб беришдан иборатдир. Бетон қоришмасини қурилиш майдончаси ичида ташишни қоришмани ётқизиш жойига узатиш деб аталади. Бетон қоришмасини ётқизиш жойига ташишни транспорт воситасига ортмасдан ташкил қилиш оптимал вариантдир.

Бетон қоришмасини ташишда унинг берилган технологик параметрлари ўзгармаган ҳолда қурилиш майдончасига етказиб берилишини таъминлаш лозим.

12-жадвалда бетон қоришмасини ётқизиш жойига ташишнинг +М+ да белгиланган вақти келтирилган.

Бетон қоришмасини ётқизиш жойига ташиш вақти

(+М+ га асосан).

12-жадвал

Т.р	Бетон қоришмасининг ҳарорати, град	Ташиш вақти, мин.
1.	35 дан кўп	15
2.	30-35	30
3.	20-30	45

4.	10-20	90
5.	5-10	120

Бетон қоришмани тавсия этиладиган силжувчанлик кўрсаткичлари.

13-жадвал

Т.р	+урилмалар	Конуснинг чўкиши, см
1.	Пойдевор, пол, йўл ва аэродромларнинг асослари	0-1
2.	Йўллар ва аэродромлар қопламалари, поллар, арматураланмаган ёки кам арматураланган катта қурилмалар	1-3
3.	Арматураланган катта қурилмалар, катта ва ўртача кесимли плиталар, тўсинлар, устунлар.	3-6
4.	Зич қилиб арматураланган темир-бетон қурилмалар, кичик кесимли юпқа деворлар, устунлар, бункерлар, силослар, тўсинлар, плиталар ва хоказо а) горизонтал элементлари б) вертикал элементлари	6-8 8-10
5.	Сирпанма қолипда бетонланадиган қурилмалар: а) зичлашда б) қўлда зичлашда	6-8 8-10

Бетон қоришмасини ётқизиш.

Иншоотдаги бетоннинг сифати кўп жихатдан бетонланаётганда бетон қоришмасини канчалик тўғри ётғизишга боғлиқдир. Ҳоришма қолип, арматура ва иншоотларнинг қуйма қисмларига зич ёпишиб туриши ва иншоотнинг бетонланаётган қисмини бутун хажми бўйича ҳеч қаерда бўшлиқ ҳосил қилмаган ҳолда, тамомила тўлғазиш керак.

Одатда бетон қоришмани ётқизиш ишлари икки босқичда бажарилади, қурилма ёки блокка солинган бетон қоришма текисланади ва солинган жойда зичланади.

Солинган қоришмани текислаш ишларининг қанчалик сермехнатлиги, бетон қоришма блокка қай тариқа узатилаётганига, қоришманинг ёйилувчанлиги ёки катталигига ҳамда жойланаётган қатламнинг қалинлигига боғлиқдир.

Бетон қоришмани бетонланаётган иншоотнинг истаган участкасига узатиш мумкин бўлса, текислаш ишлари кам бўлади, акс холда бетон қоришмани горизонтал йўналишда суришга тўғри келади. +оришмани блокка жойлаётганда айрим холлардагина, уни бир жойдан иккинчи жойга олиб ташлаш мумкин. Акс холда, қоришма қатламлана бошлайди. Лекин қоришмани икки марта у ёқдан-бу ёқка кўчириш мутлақо мумкин эмас.

+оришма транспорт воситаларидан тушириб олингандан кейин ҳосил бўладиган конусларнинг шакли бетон қоришманинг ёйилувчанлиги ва қаттиқлигига боғлиқдир. +аттик қоришмадан тик қияли конус, ёйилувчан қоришмадан эса текис қияли (откос) конус ҳосил бўлади. +ия қанчалик ётиқ бўлса қоришмани қатламга тақсимлаш учун шунчалик кам меҳнат сарфланади. Бетон қоришманинг ётқизилаётган қатламлари қанчалик қалин бўлса, қатламни текислашга доир ишларнинг ҳажми шунчалик кам бўлади.

+оришма одатда қўл белкураклар билан ёйилиб текисланади. Ёйилувчан бетон қоришма қисман вибраторлар билан, қаттиқ бетон қоришманинг конуслари эса кучли ички вибраторлар пакети билан ёйиб текисланади.

+оришма қанчалик кам ёйилувчан бўлса, уни зичлаш учун шунчалик кўп меҳнат сарфланади. Ётқизилган ҳар бир қатлам (кейингисини сола бошлашдан олдин) яхшилаб зичлаш лозим.

Цемент бирика бошлаши биланок қоришма солиш тўхтатилади. Кейинги қатлам аввалги қатламдаги цемент бирика бошлагунга қадар солиб бўлиниши лозим. Иккала қатламни ётқизиш муддатлари бири-биридан қанчалик фарқ қилиш кераклиги ташкаридаги ҳаво температураси, об-ҳаво шароитлари, ишлатилаётган цемент хоссаларига қараб лаборатория томонидан белгилаб берилади. Бу муддат тахминан 2 соатни ташкил этади.

Кейинги қатлам лаборатория белгилаб берган муддатдан ўтказиб туриб солинса, вибраторлар аввалги қатлам бетоннинг яхлитлигини бузиши сабабли, бетонланаётган қурилма жиддий нуқсон билан ишланиб қолади. Шунинг учун ҳам қатлам лаборатория белгилаб берган муддатдан кечиккан бетонлаш ишларини тўхтатиб қўйиш керак. Бетон камида 15 кг/см^2 сиқилишга бардош бера оладиган даражада мустаҳкамланганидан кейингина бетонлашни яна давом эттириш мумкин. Бетон қанча вақтда ана шундай мустаҳкамликка эришишини қурилиш лабораторияси аниқлаб беради.

Илгари қуйилган бетон қоришма билан янги қуйилган қоришма орасида иш чоки деб аталадиган чок ҳосил бўлади. Илгари жойланган бетон қоришманинг юзаси ҳозиргина қуйилган қоришма билан сифатли бирикуви учун текисланмайди.

Бетон қоришмасини зичлаш усуллари.

Бетон қоришмани ётқизиш ва зичлаш бетоннинг конструкциядаги яхлитлиги ҳамда берилган физик-механик хоссалари бўлишини таъминлайдиган усулларда амалга ошириш керак. Бетон қоришмаси пластик-ёпишқоқ массада иборат ва структуранинг маълум мустаҳкамлигига эга бўлган тиксотроп системалар синфига мансуб.

Зичлаш бетон қоришмасининг силжишига кўрсатиладиган қаршилиқни камайтиради ва қоришмага оғир ёпишқоқ суюқлик хоссаларини беради. Бетон қоришмасининг бундай суюқланиши бетон

структурасининг вужудга келишига ва конструкциянинг шаклланишига олиб келади.

Чуқурлик вибраторлари қўл ва осма вибраторларига бўлинади. Чуқурлик қўл вибраторлари саноатда букилувчан валли олдинги чиқарилган электродвигателлар билан ишлаб чиқарилади. Букилувчан вал электродвигателни вибраторнинг кўрпусида жойлашган виброконечник ёки электродвигатель билан боғлайди.

Букилувчан валли чуқурлик қўл вибраторлари нозик деворли конструкцияларни ёки зич арматураланган йирик темир-бетон конструкцияларни бетонлашда стандарт конуснинг чўкиши 3-5 см бўлган бетон қоришмаларни зичлаш учун мўлжалланган. Бундан арматура стерженлари орасидаги масофа вибратор корпуси ташқи диаметрининг 1.2 узунлигига тенг бўлиши керак.

Виброконечниклар конструкцияси ичида виброконечник шпиндели билан эгилувчан резинка-металл муфта орқали боғланган дебаланс жойлашган герметик ёпиқ корпусдан иборат.

Бетон қоришмасини зичлаш пайтида вибронаконечник арматура стерженлари орасида осон ўтиши керак. Вибратор электр кўзғатгични ўчирмасдан бетон қоришмасидан шундай чиқариб олинадик вибратордан қочган тешик шу зохотиёқ қоришма билан тўлади. Двигателнинг ортиқча зўриқишига йўл қўймаслик учун вибраторнинг арматура билан қолип ёки арматура стерженлари орасида қисилиб қолмаслиги чорасини кўриш керак. Букилувчан валнинг букиш радиуси 350 мм дан кам бўлмаслиги керак. Ишлаш жараёнида смасканинг втулка, ўзак ва дебаланснинг ишчи юзаларга чиқмаслагини чорасини кўриш зарур.

Вертикал нозик деворли яхлит темир-бетон конструкцияларни бинолар, резервуарлар ва бошқаларнинг деворларини тиклашда бетон

қоришмасини зичлаш учун ташқи вибраторларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Зич арматураланган яхлит конуструкцияларни бетонлашда қоришмани ташқи вибрациялаш кўпинча чуқурлик вибраторларини қўллаш билан қўшиб олиб борилади. Бу усуллар бир-бирини тўлдиради, бетон қоришмасининг сифатли бетонланишини таъминлайди.

Вибрациянинг қолип юзасига баб-баравар таъсир кўрсатиш ташқи вибраторларни унинг юзасига оптимал жойлаштириш билан эришилади. Вибраторлар орасидаги энг катта масофа l_{max} қуйидаги формула билан аниқланади:

$$l_{max} \leq \sqrt{\frac{EI}{\rho_1 w^2}}$$

бу ерда: E -қолип материалынинг эластиклик модули, кг/см²;

I -қолип элементининг инерция моменти, см²;

ρ_1 -1м узунликдаги қолипнинг оғирлиги, кг/см²; w -
мажбурий тебранишлар частотаси, сек⁻¹.

Агарда бетон ёки темир-бетон конструкция унча қаттиқ бўлмаган қолипда тикланаётган бўлса, унда бетон қоришмасини зичлаш учун махсус металл скобалар ёрдамида қолипга маҳкамланадиган кўчма ташқи вибраторлар ишлатилади. Бу ҳолда тебранишлар амплитудаси кичик, жуда юқори частотали вибраторлар танланади.

3.4. +уруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон ишлари технологияси

3.4.1. Ўзбекистон иқлимининг ўзига хос хусусиятлари.

Маълумки Ўзбекистон иқлими қуруқ-иссиқ иқлимдир.

+уруқ-иссиқ иқлим деганда маълум бир жойга хос бўлган метеорологик шароитлар тушунилади. Бу шароитлар қуйидагилар: йилнинг ёз ойларида қуёш радиациясининг миқдори суткасига 600-800 кал/см², 100 кундан кўп вақт ҳаво ҳарорати 25⁰с юқори, ҳаво намлиги 50% кам, шамолнинг ўртача тезлиги июль ойида 1,2-1,4 м/с га етади.

Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларининг иқлим-шароити кўрсаткичлари 14-жадвалда келтирилган.

14- жадвал.

Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларининг асосий иқлим-шароит кўрсаткичлари (меъёрий хужжатлар бўйича)

шаҳарлар номи	Ҳаво ҳарорати °С			Энг иссиқ ойда нисбий намликнинг сутка давоми да ўртача ўзга риш а-си %	йил давомида ёғинлар мм	шамолнинг ўртача тезлиги м/с	
	абсолют минимал	абсолют максимал	ўртача максимал			январ ойида	июль ойида
Тошкент	-30	44	35,3	36	437	1,7	1,2
Самарқанд	-30	44	33,4	31	380	2,7	1,2
Наманган	-28	43	34,2	35	192	2	1,2
Бухоро	-26	47	35,7	24	350	4,8	1,4
Термиз	-25	50	39,8	23	148	4	1,4

Об-ҳаво шароитлари шу жойнинг кўп йиллик табиий-иқлим кўрсаткичлари билан белгиланганлиги сабабли, бетон технологиясини

танлашда уларнинг умумлаштирилган иқлимини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳавонинг юқори харорати ва интенсив қуёш радиацияси шамол билан қўшилиб бетон тайёрлаш, уни транспортга ортиш, ташиш ва ётқизиш пайтида қоришмадаги намликнинг тез буғланиб кетишига сабаб бўлади, бу эса ўз навбатида бетоннинг қотишида содир бўладиган физик-кимёвий ва механик жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатади. Шунинг учун қуруқ-иссиқ иқлимнинг таъсирини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга.

3.4.2. +уруқ-иссиқ иқлимнинг бетон сифатига салбий таъсири.

+уруқ-иссиқ иқлим (юқори харорат, ҳаво паст намлиги, қуёш радиацияси ва шамол тезлиги) бетон технологиясига салбий таъсир этади. (15-жадвал)

+уруқ-иссиқ иқлим бетон қоришмасини тайёрлаш, ташиш, ётқизиш ва парвариш қилишда қийинчиликлар келтиради ва бетон физик-механик хоссаларига ва турғунлигига салбий таъсир этади.

Маълумки цемент клинкери гидратацияси таъсирида бетон қоришмаси қота бошлайди. Цемент гидратацияси учун нам муҳит бўлиши зарур.

+уёш радиацияси ва юқори харорат таъсирида янги ётқизилган бетон қоришмасидан қориштирилган сув жадал сураётларда буғлана бошлайди. Сувнинг бетон қатламининг паст қисмидан юқorigа буғланиш зонасига интилиши натижасида бир –бири билан боғланган ғоваклар ҳосил бўлади, бетон деффе́кт тузилишига эга бўлади ва бу ҳолат бетоннинг мустаҳкамлигини пасайишига олиб келади.

Бетон қоришмаси сувсизланиши натижасида цемент гидратация жараёни секинлашади ва тўхтаб қолиши ҳам мумкин.

Бетоннинг қотишини етарлича назорат қилиб турилмаса, унинг мустахкамлиги лойиха мустахкамлигини фақат 50% ни эгаллаши мумкин. +урилмаларнинг юк кўтариб туриш қобилияти ва зилзилабардошлиги меъёрий талабларидан анча паст бўлади, деформатив ва эксплуатацион кўрсаткичлари ёмонлашади.

+уруқ-иссиқ иқлимнинг бетон сифатига салбий таъсири.

15- жадвал

+уруқ-иссиқ иқлимнинг салбий таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш учун янги ётқизилган бетонни парвариш (каров) қилиш тавсия этилади.

+отаётган бетон парвариши қуйидаги асосий усулларда олиб борилиши мумкин:

1. Янги ётқизилган бетон юзасини сувни яхши шимадиган материал (қум, қипиқ, қоплиқ мато ва хоказо) билан беркитиш ва уни мунтазам хўллаб туриш.

Бу усулда янги ётқизилган бетон қолипга қуйилиб, зичлангандан сўнг 25-30 минут ўтгандан сўнг юзаси сув шимувчи материал билан қопланади ва 7 кун давомида ҳар куни 3 маротаба намлаб турилади ва бетон лойиха мустаҳкамлигини 70% ни олганидан сўнг ёки 28 суткадан сўнг қоқловчи материал олиб ташланади.

Бу усул кўп меҳнатталаб қилиниши ва нисбатан қимматлиги билан ифодаланади.

2. Бетоннинг очиқ горизонтал юзаларини сув қатлами остида тутиб туриш (беркитиб турувчи сув хавзалари усули).

Бу мақсадда ётқизилган бетондан 6-7 см кўтарилиб турадиган сув ўтказмайдиган бортчалари бўлган қолипдан фойдаланилади.

Бетон ётқизилганидан 30 дақиқа ўтгач қурилмаларнинг очиқ юзалари 2-5 см қалинликда сув билан тўлдирилади. Беркитиб турувчи сув хавзалари усули қўлланилганда хавзаларнинг ён сиртларини ҳосил қилувчи бўртчалар қолипнинг бортларига маҳкамланиб қўйилади ва қуйилган сувни оқиб кетмаслиги учун улар бириккан жойлари лой билан суваб қўйилади.

+қурилмаларнинг сиртини қоқлаб турувчи сув хавзаларини ётқизиладиган бетон сиртидан 6-7 см баланд қилиб тайёрланган

қолипнинг бўйлама ва кўндаланг бортлари ёрдамида ҳам ҳосил қилиш мумкин .

+оплаб турувчи сув хавзасидан сувнинг буғланиб кетишини камайтириш мақсадида зичлиги сувниқидан камроқ бўлган, унда эримайдиган ва унинг сиртида юпка химояловчи қатламни ҳосил қилувчи қўшилмалардан, масалан, ишлатилган мойдан фойдаланиш мумкин.

Сув хавзалари усули қўлланилганда бетонга қаров кўп даражада осонлашади, уни сув камчил бўлган жойларда ҳам осонгина амалга оширса бўлади, лекин мураккаб шаклга эга қурилмаларда қўллаб бўлмайди.

Бетоннинг ёпқичларини қоплаб турувчи хавзаларни ҳосил қилиш учун ишлатиладиган сувнинг ҳарорати бетонникидек бўлиши зарур, акс ҳолда ҳарорат зўриқишлари юзага келиб бетон ёрилиши мумкин .

3. Янги ётқизилган бетон юзасига турли намловчи қурилмалар ёрдамида майда томчилар тарзида узулуксиз сув пуркаб туриш .

Бу усул фақат марказлашган сув таъминоти мавжуд жойларда қўлланиши мумкин.

4. Бетон устини полимер плёнкалар билан беркитиш.

Сувсиз дашт районларда бетонга қаров ўтказишнинг яна бир йўли асосан оч рангдаги полимер плёнкаларидан фойдаланишдир.

+қурилмаларнинг юзаларини пардозланиб бўлган захотиёқ плёнка билан беркитиш зарурдир.

Бунда;

-полимер плёнкаларининг алоҳида бўлақларини пайвандлаб яхлитлаш ва юзани яхлит плёнка билан беркитиш;

-плёнкаларни четларини тахта, қум ёки тупроқ билан бостириб қўйиш;

-бетоннинг текисланган юзасига плёнкани бир жойга йиғилиб қолмайдиган ва зич тутиб турадиган қилиб ёпиш;

-плёнкани механик шикастланишидан сақлаш;

-бетонга қаров тугаллангандан сўнг плёнкани кечқурун олиб ташлаш тавсия этилади.

Бетонни полимер плёнкалар остида тутиб туриш муддатларини қурилиш лабораторияси конкрет иқлим шароитларини ҳисобга олиб танланади.

Бу усулни гидротехника иншоотларида (каналлар, бассейнлар, тўғонлар ва хокозо) қўллаб бўлмайди.

5. Бетон юзасини инвентар термоизоляция қопламалари (ИТВП) билан беркитиш.

Бу қопламалар орасида қоплик матоси бор икки қаватли полиэтилен плёнкасидан иборат ёғоч ёки метал тўсиқлари бор. Уларни тўсиқлар ёрдамида ёйиб йиғиштириб олиш мумкин.

Бу усулнинг қўллаш самарадорлиги унча юқори эмас, сермехнат.

6. Янги ётқизилган бетон юзасига парда ҳосил қилувчи таркибларни сепиш.

Янги ётқизилган бетонни сувсизланишидан сақлаш, тез қотиши учун яхши нам шароитини яратиш учун, унинг юзасига парда ҳосил қилувчи таркиблар сепилади. Бу таркиблар қисқа вақт ичида бетон юзасида нам ўтказмайдиган парда (плёнка) ҳосил қилади. Бошқа усулларга қараганда унинг афзаллиги бу таркибларни бетон юзасига ётқизилгандан сўнг 10-15 минут ичида сепиш мумкин.

Очиқ юза модули (юза сатхини унинг хажмига нисбати) катта бўлган қурилмаларни (автомобил йўллари ва аэродром қопламалари, канал кошинлари ва хоказо) бетонлашда, шунингдек сув етишмайдиган

жойларда бетон ишларини бажаришда уларнинг юзасини ана шундай материаллар билан қоплаш айниқса мақсадга мувофиқдир .

Янги ётқизилган бетон сиртига қопланувчи парда ҳосил қиладиган материалларга нисбатан қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

а) улар бетон юзасига яхши пуркалиши, юзада сув ўтказмайдиган яхлит парда ҳосил қилиши, бу парда бетонни сувсизланишидан химоялаши ва унинг сиртига ёпишиши керак;

б) бетон ва арматурани занглатмаслиги;

в)заҳарли бўлмаслиги;

